



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг таъсис Конференцияси маҳалла раисларининг қизғин мулоқотига, фикр ва тажриба майдонига айланди.

Халқ ва давлат ўртасида мустақил ва халқчил тузилма

2-3



10

“Бу сенинг вазифанг,
бу меники” дейилса,
муаммо ҳал
бўлмайди”



11

“Спорт билан
шуғуллангани
ёшларда шароит
йўқ”



16

“Бугуннинг
аёлини сериаллар
бузаяпти...”

Халқ ва давлат ўртасида

Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида янги ташкил этилган Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг биринчи асосий вазифаси сифатида “маҳаллаларнинг халқ билан давлат ўртасидаги кўприк вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишига кўмаклашиш” белгиланган.

Ҳақиқатдан ҳам, маҳалла институти қачон халқчил тузилмага айланади? Қачонки, одамларнинг дардини, кундалик уй-ташвишларини яқиндан тушунишда, уларнинг оғирини енгил қилишда “адолат тарозиси”га айланса, қачонки, уларнинг муаммоларини давлат органлари билан биргаликда ҳал этишга ёрдам берса. Бу борада Юртбошимиз ташаббуслари билан соҳада алоҳида тузилма шаклида ташкил этилган Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси катта кўмак беради. Бунга Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг таъсис конференциясида делегат сифатида қатнашиб, яна бир бор амин бўлдим.

Кўтаринки руҳда ўтган конференцияда ҳар биримиз катта билим ва руҳий қувват олдик. Шахсан ўзим, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг келгуси вазифалари ҳақида тўлиқ хабардор бўлиб, маҳаллада яна нималар қилишим лозимлигини ўйлаб қўйдим.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбарининг юртимиз маҳаллаларида олиб бораётган сиёсатининг амалдаги натижасини ўзим раислик қилаётган маҳалла мисолида айтиб ўтсам. Яқин йилгача маҳалла инфратузилмаси ҳаминқадар бўлган. Айниқса, хотин-қизлар ўртасида ишсизлик юқори эди. Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш оғир аҳволда эди.

2019 йил маҳалла “Обод қишлоқ” дастурига киритилиб, инфратузилмалар яхшиланди. Йўллар шағаллаштирилиб, асфальтланди. Марказий ва Чўлпон кўчаларига 375 та тунги ёриткич чироқлари қўйилди. Фарзандларимиз тарбияси ва келажаги учун болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳалладаги кекса отахонлар учун “Оталар чойхонаси” ташкил этилди. Энг муҳими, оилавий поликлиника қурилди.

Президентимизнинг ташаббуслари билан маҳалла “драйвери” ташкил этилиб, тикувчилик, асаларичилик, чорвачилик, узумчилик йўналишлари ривожлантирилди. Ҳозир ўнта тикув цехининг ҳар бирида 10-12 нафар хотин-қиз банд. Масалан, тадбиркор Офтобой Ҳасанованинг корхонасида 20 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Ўн олтита оила аъзолари тикув цехларидан буюртмалар олиб, ярим тайёр маҳсулотларни тайёр ҳолатга келтирмоқда. Яна 28 та оила ўз хонадонидан тикувчилик билан шуғулланмоқда.

Ҳар бир кўча маълум бир йўналишларга ихтисослаштирилган. Масалан, Гулшан ва Чўлпон кўчалари узумчилик ва асаларичиликка. Бу ерда 120 та хонадонда узум бўлса, 24 тасида асалари бор. Фуқаролар асаларининг ўзидан йилига 10 тоннагача асал олмақда. Энг яхши асалчилардан

бири, Матёқуб Кенжаев даромадидан 4 та енгил машина ва битта трактор олди. Энди асаларичиликдан даромад қандайлигини ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб олаверинг.

Осиё ва Марказий кўчаларида олча дарахлари бўлса, Маърифат ва Нилуфар кўчаси чорвачиликка ихтисослашган. Аслида маҳалладаги беш юздан ортиқ хонадоннинг ҳар бирида қўй, эчки, товуқ бор. Шу боис рўзгорлари обод.

2022 йил вилоят ҳоқимига мурожаат этиб, маҳаллада мономарказ филиалини ташкил этдик. Ҳозир тўртта – маҳалла идорасида тикувчилик ва мактабгача таълим муассасасига ўқитиш курслари, 8-мактабда қандолатчилик ва аёллар сартароши курслари фаолият юритмоқда. Моҳир тикувчи, тадбиркор Соҳиба Тожиева ва Сурайё Сотиболдиева раҳбарлик қилаётган тикувчилик курсида ҳар уч ойда 15 нафар хотин-қиз ўқитилиб, махсус сертификат берилади. Улар ушбу сертификат асосида тикув машиналари олиб, мустақил тикувчилик фаолиятини бошлашмоқда.

Қандолатчилик ва аёллар сартароши курсларида икки ойдан ўқишса, қолган курсларда уч ойдан ўқиб, касб-ҳунар эгаллашмоқда. Қувонарлиси, ушбу курсларда нафақат шовотликлар, балки ён-атрофдаги тўртта маҳалла фуқаролари келиб ўқишмоқда.

Бундан ташқари, маҳалла гузариди Ноила Рўзметова бошчилик қилаётган новвойхонада олтита қиз уч хил – қолипчи нон, Хоразм нони ва тўй нонларини тайёрлаб, даромад топяпти.

Яна бир тажриба, иккинчи гуруҳ ногирони Лайло Матёқубова



Жиззах вилоятида иссиқхоначилик бўйича ўқитилиб, ўз хонадонидан 10 сотих иссиқхона ташкил этди. Дастлаб лимон ва атиргул етиштиришни йўлга қўйди. Шу орқали хорижда ишлаб юрган турмуш ўртоғини ортга қайтариб, ишли қилди. Унинг бу ишлари туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланиб, 8-мактаб ҳовлисидан 8 сотих иссиқхона ташкил этишга кўмаклашилди. Ҳозир Лайло опа бу ерда атиргул билан бирга, турли кўкатлар ва помидор, бодринг кўчатларини етиштирмоқда. Маҳаллада ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилган. Кураш ва футбол тўғрисидаги барчаси давлатимиз раҳбарининг маҳаллага қаратаётган эътибори натижасидир.

Ўйлайманки, бундан кейин Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилади.

Сара РАЖАБОВА,
Хазорасп туманидаги
“Шовот” маҳалласи раиси,
“Шуҳрат” медали соҳибаси.



Наргиза АБДУРАИМОВА,
Бешариқ туманидаги “Янги” маҳалласи раиси:

– Таъсис конференциясида Президентимизнинг тегишли фармон ва қароридан белгилаб берилган жиҳатлар муҳокама қилинди, тушунтиришлар берилди. Бу ерда олган билим ва тажрибамизни вилоятимиздаги раисларга сўзлаб бераймиз, ўзаро фикр алмашиб, фаолиятимизни намунали тарзда йўлга қўямиз.

Очиғи, тизимдаги ўзгаришлардан мамнунмиз. Айниқса, маҳалла раисининг ўрни ва ваколати оширилишини анчадан бери кутаётгандик. Эндиликда биз ҳудуд раҳбари сифатида ҳар ой камида 5 та маҳаллага бириктирилган давлат ташкилоти вакилларининг ҳудудда амалга оширган ишлари юзасидан ахборотини эшитиб, муаммоларни

ҳал этишда кўмаклашамиз.

Ҳар ҳафта “маҳалла еттилиги” вакилларининг ҳисоботини эшитиб, уларнинг ҳар бири ҳар ой камида 10 тадан муаммоли масалаларни ҳал этишини назоратга оламиз. Жамоатчилик назорати доирасида ҳафтада бир маротаба маҳалла ҳудудидаги таълим ташкилотидан ўқувчиларнинг даволати, оилавий поликлиникаларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, спорт ташкилотларининг аҳоли учун очиқлиги, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари атрофининг тозаллиги ҳамда дарахларни парвариш ҳолатини ўрганамиз. Бу масалалар маҳалла тинчлиги, ҳудуд ободлигига хизмат қилади.

– Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг таъсис конференциясида делегат сифатида иштирок этдим. Анжуман иши қизғин мулоқотларга бой ўтди. Ўзимизни қизиқтирган, ўйлантираётган масалаларга жавоб олдик. Энг муҳими, бошқа ҳудудлардан келган делегатлар – маҳалла раислари билан танишиб, тажрибаларни ўртоқлашдик, ўзаро фикр алмашдик.

Айтишим керакки, Президентимизнинг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъмин-

лашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони маҳаллалар ҳаётига янги ғарз, шижоат олиб кирди.

Фармонга кўра, маҳалла раислари ҳар ойда бир маротаба йиғиндаги барча кўчаларда оммавий ҳашар уюштирилади, камида 2 та эҳтиёжманд оиланинг таъмирталаб хонадонидан қўни-қўшниларни жалб этган ҳолда, ҳашар ташкил этади. Шунинг ўзиёқ миллийлигимизга хос, эзгу қадриятлар намунаси эмасми? Шу вақтгача ҳам ҳашарлар ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъмин-

лашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони маҳаллалар ҳаётига янги ғарз, шижоат олиб кирди.

Қолаверса, маҳалла раиси ташаббуси билан ҳар чоракда бир маротаба маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларнинг аҳоли билан миллий қадриятлар ва урф-одатларни сақлаш, тўй-маросимларни ихчам ўтказиш бўйича учрашувлари ташкил этилади. Бундай мулоқотлар оилаларни, қуда-андачиликни, борди-келдини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Конференция ишида бу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилиб, керакли тавсиялар берилди.



Матлубахон ҒАНИЕВА,
Андижон туманидаги “Орол” маҳалласи раиси:

МУСТАҚИЛ ВА ХАЛҚЧИЛ ТУЗИЛМА

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг таъсис конференциясида вилоятлардан келган вакиллар сафида Сирдарё вилояти делегатларига раҳбарлик қилдим. Тарихий воқеликка нафақат гувоҳ, балки унинг амалга оширишида иштирок этдим. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилди.



Янги тузилма олдида қўйилган вазифалар, билдирилган ишонч бизга янада масъулият юкледи. Чиндан ҳам, бугун маҳаллалар халқ ва давлат ўртасидаги кўприк вазифасини бажаряпти. Барча даражадаги масалалар маҳаллаларнинг ўзида ҳал этилиши учун ҳуқуқий асос яратилди.

Ўзим раислик қилаётган Боёвут туманидаги “Навбахор” маҳалласи мисолида давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг ижросини кўриш мумкин. Масалан яқин ўтмишда шўр босган, марказдан четдаги иқлим шароити оғир ҳудуд қисқа вақтда таниб бўлмас даражада ўзгарди. Инфратузилма яшиланди. Бундан атига 2-3 йил аввал жами 7 нафар тадбиркор фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг сони 300 нафарга яқинлашди. Ёки ёшларни олий ўқув юртига қамрови жуда паст — 12 нафарни ташкил этарди. Айни пайтда “Навбахор”нинг 139 нафар ёшлари университет ва институт талабаси ҳисобланади. Ҳудудда бирорта давлат боғчаси бўлмагани учун жажжи ўғил-қизларни мактабгача таълим ташкилотига қамрови ачинарли аҳволда бўлган. Ўтган 3 йил ичида 1 та давлат, 3 та хусусий МТТ фаолияти йўлга қўйилди. Натижада болажонларни мактабгача таълим ташкилотига қамрови 100 фоизга етди. Ўз

навбатиди умумтаълим мактабларидаги таълим сифатини ошириш мақсадида бу даргоҳларда шарт-шароит яшиланди. Ҳудудда жойлашган 3 та умумтаълим мактаби капитал таъмирланди. Сонда бору сифатда бўлмаган қишлоқ врачлик пункти қайта таъмирланиб, қўшимча тиббиёт ходимлари ва олий маълумотли шифокор жалб этилди. 5 та қишлоқ овулининг ҳар бирида сув кудуғи қазилиб, тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 100 фоизга етказилди. Ўтган 2023 йил давомида тадбиркорлик истагидаги фуқароларга қарайиб 3 млрд. сўмлик субсидия, кредит ажратилди. 15 км. узунликдаги кўчалар ободонлаштирилди.

Тизимдаги бугунги янгилашни келгуси режамиз ижроси учун пойдевор вазифасини бажаради. Президент фармон ва қарорига асосан, энди маҳалла ўзи ташаббускор ва ижроцига айланмоқда. Маблағларини сифатли сарфлашни таҳлилий назоратини олиб боради. Тарихий ҳужжатларни энг олис ва чекка ҳудудларда ижросини таъминлашда барча бирдек фаол бўлиши керак.

Жума РАҲМОНҚУЛОВ,
Боёвут туманидаги
“Навбахор” маҳалласи
раиси.

Уюшманинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Уюшманинг асосий мақсади — фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга қонунчиликда белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили тўлақонли ва самарали жорий этилишида кўмаклашиш.

Куйидагилар Уюшманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги “кўприк” вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишини таъминлаш;

маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш;

ҳар бир фуқаро ўзи ва оиласининг келажаги, молиявий аҳволи ва фаровонлигини таъминлашда масъулиятини сезиши, боқимандаликка ўрганмаслик ҳиссини янада кучайтириш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўз уйи ва кўчасини озода сақлаш, миллий қадрият ва урф-одатларни ҳурмат қилиш, маънавий ва маърифий ишларда маҳалланинг ўрнини кучайтириш, аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустақкамлаш чораларини кўриш;

“маҳалла еттилиги” томонидан маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишда кўмаклашиш;

маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакилларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш;

маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш, камбағал фуқароларга ажратилаётган бюджет ва бошқа маблағларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш;

маҳаллаларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, уларга ажратиладиган маблағларни марказлашган тарзда тақсимлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

маҳалла масъулларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмалари шаклланишига кўмаклашиш;

мазкур Устав доирасида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, улар билан ҳамкорликда қўшма дастур ҳамда лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ижтимоий шериклик асосида амалга ошириш.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси таъсис Конференциясида онлайн тарзда иштирок этдим. Очиги, айни йўналишда алоҳида тузилманинг ташкил этилгани мақсадга мувофиқ бўлди. Шу пайтгача маҳалла тизимида алоҳида ташкилотнинг йўқлиги боис маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш борасида бўшлиқлар мавжуд эди. Бу ўз-ўзидан маҳаллалар зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлашда кутилган натижани бермаётган эди.

Янги тузилма бу бўшлиқни тўлдирди. Эндиликда тизимнинг алоҳида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси таркибига киритилгани, нодавлат институт сифатида ўрни сақлаб қолингани, раисларга қўшимча ваколатлар берилгани мақсадга мувофиқ бўлди. Бундан буён ходимлар фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари (КР) бўйича баҳоланиши ишимиз ривожига хизмат қилади. Рейтинг баҳолашда маҳалла раислари ходимларга 20 балл бериш имконига эгаллиги, давоматини, табелини юритиши белгилангани раисларнинг обрўси ва масъулиятини оширади.

Таъсис Конференциясида билдирилган фикрларни тинглаб, зиммаимизга юклатилган вазифалар, устувор мақсадлар бўйича янада кенгроқ тушунчага эга бўлдик. Ўйлайманки, сидқидилдан меҳнат қилсак, ҳар бир масаланинг моҳиятига етиб борсак, одамлар билан мулоқотни қанда қилмасак, маҳалла ҳал этолмайдиган муаммонинг ўзи қолмайди. Президентимиз қайд этганидек, «Қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилиб, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилса, ўша ерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити ҳукм суради, нохуш ҳолатларга йўл қўйилмайди».

Айни фикрлар бугун фаолиятимизда дастуриламалга айланган. Зеро, маҳалламизда маълум вақт инфратузилма, ижтимоий масалаларда қатор муаммолар йиғилиб қолганди. Худуд ўтган йили “Обод қишлоқ” дастурига киритилиб, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Дастур доирасида 5,5 километр йўл асфальт қилинган бўлса,



4,5 километри бетонлаштирилди ва 6,5 километр тупроқ йўлларга қум-шағал ётқизилди. Бундан ташқари, аҳоли вакиллари ташаббуси билан “Ташаббусли бюджет” лойиҳасидан ютиб олинган маблағ эвазига 2,5 километр йўлга асфальт ётқизилди.

Аҳолининг электр таъминоти яшиланди. Бунда эскирган симёғочлар ўрнига 309 донга бетон устун ўрнатилиб, 11,5 километр ёпиқ кабель тортилди, 2 та янги трансформатор олиб келинди. Ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 10 километрдан зиёд тармоқ тортилди. Янги қуриб берилган 150 ўринли замонавий боғча маҳалладаги мактабгача ёшдаги болажонларнинг сифатли таълим-тарбия олишига хизмат қилмоқда.

Шу кунгача маҳалланинг алоҳида бинноси йўқ эди. Ижарада турардик. Бу ҳолат аҳолига хизмат кўрсатишда кўпгина ноқулайликларни туғдираётган эди. Яқинда

маҳаллий бюджет ҳисобидан замонавий маҳалла биноси қуриб берилди. Унда “маҳалла еттилиги” учун барча шарт-шароит яратилган. Қолаверса, янгиқишлоқликлар 9-10 километр узоқликдаги 58-оилавий поликлиникага қатнашга мажбур эди. Ёғин-сочинли кунларда у ерга бориш икки ҳисса оғир бўларди. Шу боис маҳалла идораси ёнидаги бўш турган бино қайта таъмирланиб, 58-оилавий поликлиниканинг филиалига айлантирилди.

Бугун ҳудуддаги ўзгаришлардан одамлар мамнун. Эндиликда “маҳалла еттилиги” шакллантирилиб, айни йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ҳаётга татбиқ этилса, одамлар ислохотлар натижасини ўз ҳаётида ҳис қилади.

Ғанишер ЎНГБОЕВ,
Чироқчи туманидаги “Янгиқишлоқ”
маҳалласи раиси.

КЎЗГҮ

“Ваколат раисда, бироқ қарорни бошқалар қабул қилади”

Маҳалла ташаббуси билан сектор раҳбарига ўтган йили 23 та мурожаат билан чиқдик. Уларнинг асосий қисмини ижтимоий ёрдам масалалари ташкил этди. Аксарияти ечимини топди. Фақат битта — йўл масаласи муаммолигича қолиб кетди. Уни жорий йилда амалга ошириш режалаштирилган.



Президентимиз ташаббуси билан ажратилган 500 миллион сўм маблағ ижтимоий масалаларни ҳал этишга сарфланди. Бунда 5 та кўчага видеокамера ўрнатилди, ҳозирда маҳалла биносини қуриш ишлари давом этапти. Қолаверса, ҳудудда 3,8 километр ичимлик сув қувури

тортилди, 4,1 километр ички йўлга шағал тўқилди.

Ҳудуддаги 830 та оиланинг 640 таси томорқадан самарали фойдаланади. Асосан 2 сотихли томорқаларда помидор, қалампир, бодринг парваришланади. Қолган оилаларда оқова сув билан боғлиқ муаммо бор, шу

боис доимий равишда томорқадан фойдаланиш имконияти йўқ. 2023 йил куз мавсумида 1,6 минг тупдан зиёд кўчат экдик. Сув таъминоти, қаровига масъул бириктирилган.

Бандлик масаласи доимий эътиборимизда. Ўтган йили 150 нафар фуқарога субсидия ва кредит берилиб, ўзини ўзи банд қилиши, тадбиркорликни бошлашига шароит яратилди. 11 нафари ишга жойлаштирилди. 23 нафар мигрант фуқаро Қозоғистон ва Россия давлатларида меҳнат қиляпти. Уларни юртга қайтариш, доимий иш билан таъминлаш чоралари кўриляпти. Ўтган йили 2 нафар фуқаро қамоқдан чиққан эди. Улардан бирига кредит олиб бердик. Яна бир нафари доимий иш билан таъминланди.

Бизни ўйлантираётган масала бор. Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига асосан, айрим тоифадаги, хусусан, тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган, ҳаётий мураккаб вазиятга тушган оилалар, ногиронлиги бор, ёлғиз кексаларга



моддий кўмак берилади. Шунингдек, уларнинг жарроҳлик амалиётлари учун пул ўтказилди. Ёрдам олган кам таъминланган оилалар бир йил ўтгандан сўнг қайта мурожаат этишлари мумкин.

Бизни қийнаётган жиҳати, эҳтиёжмандларга тиббий ёрдам кўрсатиш борасида маҳаллаларга йиллик “лимит” ўрнатилган. Мисол учун, қарор асосида йилга 3-4 нафаргина фуқарони даволаниш учун жўната оламиз. Боз устига, уларнинг рўйхатини алоҳида комиссия ўрганиб, тас-

диклайди. Бунга кўп вақт кетади. Шуни маҳалланинг ўзида ёки поликлиника орқали ҳал этса бўлмайди? Ўзимиз ҳақиқатда даволанишга муҳтожларни операция учун юборайлик. Аслида, қарор бўйича барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этилиши керак, негадир шу тизим ишламаяпти...

Дилором КАЙИПОВА,
Кўнғирот туманидаги
Ҳаким ота номидаги
маҳалла раиси.

ФИКР

“Давлат хизматлари божни маҳаллада қолдирилса...”

Маҳалламизда 2 193 нафар аҳоли яшайди. Шаҳар ҳудуд, шунга кўра, аҳолининг кўпчилиги хизмат кўрсатиш, савдо, тадбиркорлик йўналишларида меҳнат қилади. Ўтган йил бошида 10 та эҳтиёжманд оила рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 4 таси бу тоифадан чиқарилди. Уларга кредит, субсидия ажратилиб, даромад топишига кўмаклашилди. Боқимандалик кайфиятига берилган аҳоли вакиллари билан тушунтириш ишлари олиб борилади. Нафақа ёки моддий ёрдам ҳақиқатда муҳтожларга берилиши кераклигини уқтираемиз.

Ўтган йили 40 нафар фуқарога имтиёзли кредит берилди. Шу асосда наввойхона ташкил этган, тикувчилик цехи очган, умуман, тадбиркорликни йўлга қўйганлар 25 та янги иш ўрни яратди. Кредитдан самарали фойдалана олмаётганларга етакчи тадбиркорлар кўмагида бизнес юритиш бўйича тушунчалар берилляпти. Йил бошида 23 нафар ишсиз шахс рўйхатга олинганди, уларнинг 18 нафари ишга жойлаштирилди. Рўйхатда қолаётган 5 нафар фуқаро мавсумий ишларга жалб этиляпти, савдо билан шуғулланишига шароит яратилляпти. 23 нафар мигрант Россия, Туркия, Германия давлатларида меҳнат қиляпти. Уларнинг қаердалиги, нима иш қилаётганини доимий равишда суриштириб тураемиз.

Маҳаллада оилавий ажралишлар қузатилмади. Ўтган йили 6 та оила яраштирилди. Келишмовчиликка асосий сабаб — учинчи шахс аралашуви, моддий қийинчилик, қайнона-келин низоларидир. Ҳозирда 1 та оила ажралиш ёқасида турибди. У билан алоҳида ишлаяпмиз. Оилаларни яраштиришда “Кексалар

маслаҳати” гуруҳи аъзолари кўмагига суянаман. Маҳаллада мазкур жамоатчилик тузилмаси шунчаки қоғозда ишламайди. Унинг таркибига фаол, ҳаётий тажрибага эга кишиларни киритганмиз. Ажралишларнинг олдини олишда айнан уларнинг савий-харакати, насиҳатлари самара берапти.

Ҳудудда 1 та нотинч оила бор эди. Оила боши ичкиликка берилганди. Профилактик чоралар туфайли у соғлом турмуш тарзига қайтди. Ўтган йили 2 та жиноятчилик ҳолати рўйхатга олинди. Улар алимент тўламаслик

ва ўғрилиқ билан боғлиқ. Бошқа оғир тоифадаги жиноятлар содир этилмади. Фикримча, маҳаллада жамоатчилик назорати кучайтирилса, ҳудуд тинч, маҳалла обод бўлади. Худди шундай, оилалар билан индивидуал ишланса, кимнинг қандай муаммоси бор, ким нимага муҳтож, барчаси билиб борилса, муаммолар қузатилмайди. Ёшларни тинглай билиш керак, уларга фақат насиҳат эмас, амалда кўмак бериш лозим.

Ўтган йили сектор раҳбарига ўндан зиёд масалада мурожаат қилдик. Шу асосда ҳудуддаги эски симёғочлар янгисига алмаштирилди, тунги ёритиш чироклари ўрнатилди, ички йўлларнинг 800 метрига асфальт, 1,5 километрга бетон қопламаси ётқизилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 1,5 мингта кўчат ўтказилиб, ҳар бир кўчатнинг сув таъминоти, парвариши назоратга олинди. Ҳозир-



да маҳаллада кутубхона қуриш фикрида юрибман. Ҳудуддаги ёшлар китобсевар, уларга бир манзилда мутолаа қилиш, ўзаро фикр алмашиш, интеллектуал салоҳиятини намойиш этиш имконини бериш керак.

Тақлифлар масаласига келсак, 2024-2025 йиллардан бошлаб, маҳаллаларда агентлар томонидан давлат хизматларининг кўрсатилиши аниқ муддао бўлди. Ҳозирда 15 турдаги хизматларни кўрсатиш режалаштирилган, Истардикки, давлат хизматлари кўрсатганлик учун ундириладиган божлар маҳалла ихтиёрида қолса. Тўғри, уларнинг миқдори унчалик кўп бўлмайди, бироқ шу орқали битта оиланинг эҳтиёжини қондирсак ҳам одамлар

рози бўлади.

Қолаверса, эндиликда “Энг намунали маҳалла раиси” танловининг ташкил этилиши анчадан буён кутаётган янгилик бўлди. Боиси ҳудудларда аниқ йўналишдаги танловларни шу вақтгача турли оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ўтказарди. Расмий мақомга эга бўлган, маҳалла тизимига тааллуқли ягона танловга эҳтиёж бор эди. Танлов ғолиблари тажрибаси республикада омалаштирилса, улар давлат мукофотларига номзод сифатида кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Гулноз ШОДИЕВА,
Кармана туманидаги
“Гулобод” маҳалласи раиси.



ТАЖРИБА

Маҳалла ва университет ҳамкорлиги қандай натижа бермоқда?

Бугун ёшлар муаммосини ўрганиш ва ечим топишда янги йўналишга асос солинди. 2023 йилда оғир тоифадаги ёшлар билан индивидуал ишлашда Республика комиссияси раиси Қаҳрамон Куронбоевнинг тавсияси билан олий таълим муассасалари ректорлари масъул қилиб бириктирилган эди. Худудларда ёшлар билан ишлаш ҳолатини бевосита ўрганиш жараёнида таълим муассасалари раҳбарларига оғир тоифадаги ёшлар билан ишлашда эътибор бериладиган асосий жиҳатлар, иш ташкил этиш тизими ҳамда бу борада самарали натижаларга эришиш омиллари тўғрисида йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилганди.



Ана шу тавсия ва кўрсатмаларга кўра, Наманган давлат университети раҳбарияти вилоятнинг энг чекка ҳудуди – Поп туманининг “Келачи” ҳамда “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги уюлмаган ёшлар билан мунтазам иш олиб бормоқда. Юқоридаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи

52 нафар ёш шартли равишда 5 та тоифага ажратиб олинди. Урганишлардан сўнг уларнинг 24 нафари ногирон, 19 нафари хорижий миграциядан қайтган, 3 нафари профилактик ҳисобда турувчи, 4 нафари пробация назоратидаги ва 1 нафари оилавий ажралиш ёқасидаги шахс, 1 нафар

ёш чин етим экани маълум бўлди.

Маҳалла ва университет ҳамкорлигининг дастлабки босқичида бу ёшлар билан Наманган давлат университети ректори иштирокида “Университет ва ёшлар” учрашувлари ўтказилди. Унда аниқланган муаммолар қисқа муддатда ҳал этиб берилди. Хусусан, 24 та асбоб-ускуналар ва жиҳоз олиб берилди, 2 нафар ёшга моддий ёрдам кўрсатилди, 3 та бошқа йўналишдаги муаммоли масалалар ижобий ҳал этилди. Хусусан, Баҳромжон Турсуновга электр пайвандлаш ускунаси, Достонбек Раҳмоналиевга чолғу асбоби, Адҳамжон Соибназаровга мотокультиватор тақдим этилди.

2023 йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида “Ифтихор” маҳалласида яшовчи Муҳаммадбобур Улканбоевга карчер аппарати, Тоҳиржон Раҳимовга қурилиш анжони, Фурқат Абдураҳмоновга бокс чарм кўлқопи, Дилнура Шариповага замонавий ноутбук, Одина Алиевага ноутбук, Захроҳон Ҳабибуллоҳоновага тикув машинаси тақдим этилди. Ўз навбатида, “Келачи” маҳалласида яшовчи Хушнуд Ёқубов, Отабек Қодиров, Зарнигор Пўлатова, Ислоҳжон Қодиров, Хусанбой Камолитдинов, Саодат Ёқубова, Шаҳбоз Ҳакимов ва Сурайё Иброҳимоваларга замонавий ноутбук берилди. Мадина Ғаниевага қизиқиши ва келгуси режаларидан келиб чиқиб тикув машинаси, Хуршидхўжа Шермуродовга сартарошлик анжони, Хусанбой Қодировга вентилятор, Ғайрат Мамадалиевга устачилик билан шуғулланиши учун пайвандлаш аппарати ажратилди.

Кеча ижтимоий аҳволи оғир, деб топилган ёшларнинг аксарияти бугун жамиятнинг фаол аъзосига айланди. 3 нафар ёш олий таълим муассасаси талабаси бўлди. Хушнуд Ёқубов Тошкент ирригация ва мелиорация университети, Отабек Қодиров Наманган муҳандислик-қурилиш институтига, Зарнигор Пўлатова Наманган халқаро кимё университети, Хусанбой Камолитдинов Поп касб-хунар мактабига ўқишга кирди. Энди уларнинг ҳаётда ўз мақсади ва йўли бор.

Наримон ДЕҲҚОНОВ,
Наманган давлат университети ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Субсидия қандай ижтимоий мезонга кўра баҳоланади?

Хукуматнинг 182-сонли қарори билан тасдиқланган “Уй-жой сотиб олиш ёки яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, субсидия ажратишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, комиссия рад этиш сабабларини, қонунчилик ҳужжатларининг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда QR-код қўйилган қарорни расмийлаштиради. Хабарномани тегишли туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этганда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

Аризани рад этиш асосларининг ичида ижтимоий мезонларга тўғри келмаганлиги ҳам мавжуд. Ижтимоий мезон деганда, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилани аниқлашда қўлланиладиган ва келтирилган асосий кўрсаткичлар тушунлади.

Қуйидаги ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш (аниқлаш) subsidiya.idm.uz дастурий таъминот тизимида автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади:

- ариза берувчининг «Labor – migration» дастурида рўйхатдан ўтганлиги, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётганлиги;

- ариза берувчининг ёш оилалар тоифасига мансублиги ва 30 ёшдан ошмаган фуқаро эканлиги;

- ариза берувчида, шу жумладан, унинг турмуш ўртоғининг номида республиканинг барча ҳудудлар микёсида мулк ҳуқуқи билан турар жойнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги.

Агарда аризангиз айнан қайси ижтимоий мезонга кўра рад қилинганлигини билишни истасангиз туман ҳокимлиги ёки комиссияга мурожаат этишингиз керак.

НИГОҲ

“Ер ости сув қувурлари таъмиргга муҳтож”

“Дўстлик” маҳалласи “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқ-хонасига яқин ҳудудда жойлашгани сабаб, туризм йўналиши ривожланмоқда. Худуд кичкина, аҳоли кўп. Йиғирмата кўп қаватли уйнинг 18 таси икки қаватли бўлиб, коммунал тизими анча эскирган. Икки юзта ҳовли уйларда қишлоқ хўжалиги ёки чорвачилик билан шуғулланишга шароит йўқ. Шу сабаб аҳолининг аксарияти хизмат кўрсатиш, асосан, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, хунармандчилик ортидан даромад топяпти.

Маҳаллада кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган. Мебель ва пишириқ ишлаб чиқарадиган мини цехлар фаолият юритмоқда. Иккита хонадонда сайёҳлар учун турли совғабоп маҳсулотлар ясайдиган, учта хонадонда ёғоч ўймакорлик устахоналари бор. Уларда сайёҳлар тайёр маҳсулотларни харид қилиш билан бирга, маҳорат дарслари орқали хунар ўрганишади. Шунингдек, йиғинда учта хостел фаолият юритмоқда.

Фуқароларнинг айримлари “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонасида меҳмонхоналар ташкил этган. Ҳозирда тўртта ана шундай меҳмонхона дўстликларга тегишли. Тарихий мажмуада ўндан ортиқ маҳалладошлар совғабоп маҳсулотлар савдоси билан шуғулланади.

Сайёҳлар оқими ортгани

сари маҳалла инфратузилмасини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Менинг йўлим” лойиҳаси асосида 1,5 километр ички кўчалар бетон қилиниб, 1 километри асфальтланди. Яна бир километрдан ортиқроқ тупроқ йўлни таъмирлаш қолди, холос. Аҳоли хонадонларининг электр таъминотини яхшилаш учун янги электр кабеллар тортилди.

Худуддаги асосий муаммо, ер ости сув тизимларининг яхши ишламаслигидир. Шу сабаб, ўз муддатини ўтаб бўлган ер ости сув қувурларни янгилаб, икки юзта хонадонга янгидан қувур тортиш зарур. Бу борада тегишли ташкилотларга таклифлар берилган, лекин ҳозирча амалий натижа йўқ.

Келгусида туризм соҳасида хизмат кўрсатиш йўналишлари-



ни янада кенгайтириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Эргаш ҚУТУМОВ,
Хива шаҳридаги “Дўстлик” маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА



“Оғир ҳудуд тоифасидан чиқяшимиз”

Маҳалламиз шаҳарда жойлашса-да, инфратузилмаси оғир аҳволдаги ҳудуд ҳисобланади. Шу боис “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” мезонлари асосида танлаб олинди. Бугунги кунда ушбу режаларни жорий этиш бўйича амалий ҳаракатлар бошланиб кетди. Мақсад — қисқа муддатда кўча ва хонадонларни ички имкониятлар ҳисобидан ҳар жабҳада энг намунавий ҳудудга айлантириш. Маҳаллада 800 дан зиёд хўжалик мавжуд бўлиб, айти вақтда уларнинг ҳар бири масъуллар томонидан ўрганилмоқда. Шу асосда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва оғир ҳудуд тоифасидан чиқариш бўйича “Йўл харита”си ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.



2023 йилда фаолиятимиз таҳлилига кўра, “намунали” маҳалла сифатида эътироф этилди. Жумладан, эҳтиёжманд ва камбағал оилалар билан тўғри иш ташкил этилиши натижасида 33 нафар шу тоифадаги оилалар рўйхатга олинди, барчасига зарур ёрдам кўрсатилди. Буларнинг ичида 6 та оила энг оғир аҳволда эди. Ҳомийлар кўмағида моддий ёрдам ва озик-овқат маҳсулоти берилди. Афсуски, маҳалладошлар орасида давлат менга ёрдам беришга мажбур, маҳалла мени боқиши керак, деган боқимандалик кайфиятидаги инсонлар ҳам учрамоқда. 2022 йилда улар 12 нафарни ташкил этганди. Олиб борилган тушунтиришлар самара берди. 9 нафари маҳалла кўмағида мустақил даромад топиш имконига эга бўлди. Ҳозир 3 нафар боқиманда кайфиятидаги фуқаро қолди, холос.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги 76 нафар фуқарога ҳоким ёрдамчиси Сардор Турсунов кўмағида кредит ажратилиши натижасида 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Бугун барчаси маблағдан мақсадли фойдаланипти. Айти шу каби тадбирлар ишсизликнинг олдини олишда қўл келмоқда. Мисол учун 2023 йилда 142 нафар ишсиз фуқаро

ро рўйхатга олинган бўлса, 131 нафари ишга жойланди. Қолган 11 нафари мономарказда касб-хунарга ўқитилмоқда. Ўтган йили 55 нафар маҳалладошимиз хорижга ишлаш учун кетганди. Айти пайт уларнинг 25 нафарини ортага қайтаришга эришдик. 4 нафарига субсидия, 12 нафарига кредит берилиб, 9 нафари доимий ва мавсумий иш билан таъминланди. Бандликни таъминлашда аҳоли хонадонидидаги томорқадан самарали фойдаланилди. Жами 514 та хонадон томорқага эга бўлиб, барчасида деҳқончилик маҳсулоти етиштирилади. 14 та хонадонда иссиқхона ташкил этилган бўлса, яна 7 нафар фуқаро субсидия асосида мотокультиватор олиб, томорқада ўзини ўзи банд қилган.

Кувонарлиси, 2023 йил давомида ҳудудда оилавий ажралиш ва жиноятчилик қайд этилмади. Маҳалла “яшил” тоифадаги ҳудуд сифатида қайд этилди. Нотинч ва низоли оилалар ҳам йўқ.

Соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш мақсадида спорт мусобақалари ташкил этиб боряпмиз. Бунинг учун барча шароит яратилган. Тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган. Ёшлар футбол жамоамиз “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг вилоят босқичида фахрли ўринни эгаллади.

Ҳудудни ободонлаштириш тадбирлари оммавийлик касб этган. Бунда ёшу қари бирдек фаол қатнашмоқда. “Обод хонадон”, “Обод кўча” номинациялари асосида танлов ташкил этганмиз. Шу боис кўчаларимиз саришталлиги таъминланган. Бундан ташқари, маҳаллани яшил ҳудудга айлантириш мақсадида оммавий ҳаракат бошлаганмиз. “Яшил макон” лойиҳасида 2023 йилнинг ўзида 800 туп кўчат экилди. Уларнинг 500 тупи мевали, 300 тупи манзарали кўчатлар.

Азиз МАНСУРОВ,
Гулистон шаҳридаги
“Баҳор” маҳалласи раиси.

ХОЛАТ

“Ишлайман, деган талабгорга кўмак берилди”



2023 йил давомида эҳтиёжманд ва камбағал оилалар билан самарали иш ташкил этдик. Хатловда 40 та шундай оила рўйхатга олинди, барчасига моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. Жумладан, 35 та оилага 1 миллион сўмдан ҳомийлик ёрдами берилди. Бундан ташқари, озик-овқат маҳсулоти ва гўшт тарқатилди. Жами 75 миллион сўм ҳомийлик маблағи ажратилди.

“Темир дафтар”да турувчи Зоҳиджон Асқаров хонадонига 3 хонали уй қуриб, уйланишига бош бўлди. Бунда тадбиркор Раҳматилло Абдурахмоновнинг савватпешалигини алоҳида эътироф этиш керак. Юқоридаги 75 миллион сўм ҳомийлик пулини 65 миллион сўмини шу тадбиркор эҳсон қилди. Шоли курмакисиз бўлмаганидек, дастлабки йил одамларда маҳалла бизга ёрдам беришга мажбур, деган хато фикр шаклланиб қолганди. Шу боис тинимсиз моддий ёрдам сўровчилар сони кўп бўлган. Улар билан тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида боқимандалик кайфиятидаги фуқаролар қолмади. Соғлом, тўрт мучаси соғ инсон ҳаракат қилса, интилса, моддий аҳолини яхшилаш олиши мумкинлигини англаб етди. Ишлайман, деган шундай талабгорларга ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан кредит ва субсидия ажратилди. Масалан, 2023 йилда жами 73 нафар фуқаро кредит сўраб ариза берган бўлса, уларнинг 45 нафарига ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси билан маблағ ажратилди. Улар нафақат ўзини ўзи банд қилди, балки 76 та қўшимча иш ўрни яратди. 2023 йил бошида 250 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлиб, 104 нафари доимий ишга жойланди, 135 нафари ўзини ўзи банд қилди.

Йиллар кесимида таҳлил қилинганда оилавий ажралишлар камайиб бормоқда. Айтилик, 2022 йилда 2 та ҳолат кузатилган бўлса, 2023 йил фақат 1 та оила ажралиши қайд этилди. Ўз навбатида ишсизликнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатларимиз самарасида маҳаллада жиноятчилик кескин камайди. Чунки барча иллатлар асосида бекорчилик ётади. 2022 йилда 3 та, 2023 йилда 2 та майда безорилик қайд этилди. “Яшил” тоифадаги маҳаллалар сафидамиз. Аввал жиноят содир этиб, озодликка чиққан Хуршид Йўлдошев маҳалла кўмағида янги ҳаётини бошлади. Энг аввало, унга мураббий бириктирдик. Ҳашар йўли билан уй қуриб берилди, ишга жойланди, уйланишига ёрдамлашилди.



Маҳаллада спорт ва соғломлаштириш тадбирлари мунатзам ўтказилади. Бунинг учун барча шароит яратилган. Ҳудуддаги 8-мактабнинг спорт майдони ва спорт зали соат 16-00 дан кейин маҳалла аҳолиси ихтиёрига берилади.

Қишлоқ шароитида оила даромадини ошириш учун томорқадан самарали фойдаланиш имконияти бор. Шундан келиб чиқиб, мавжуд 980 та хонадоннинг барчаси томорқадан даромад топади. Асаларчилик, иссиқхона йўналиши ривожланиб бормоқда. 42 та оила томорқа орқали ўзини ўзи банд қилган.

Ҳудудни ободонлаштириш учун “Яшил макон” лойиҳаси бўйича 2023 йил 3,5 минг туп кўчат экилди. 700 тупи платформага киритилди. Бугун барча кўчатлар баравж кўкармоқда. Аммо 2022 йилда экилган 1000 туп терак қаламчиси сувсизлик сабаб нобуд бўлди.

Ўз навбатида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, муаммоларга тезкор ечим топишда сектор кўмағи катта бўлмоқда. Ўтган йили ичимлик сув, электр таъминотидаги муаммо ҳал этилди. 2 та сув қудуғи қазилиб, 13 км. узунликда тармоқ тортилди. 7 км. масофада ички йўллар асфальтланди. Ўрикзор ва Мўъжиза кўчасида электр таъминотини яхшилаш учун 2 та трансформатор янгиланиб, 5 км. масофада бетон устун ўрнатилди.

Ойбек РУСТАМОВ,
Тошлоқ туманидаги
“Хотинқуми” маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА

“Хонадонлар табиий газ тармоғидан узиб қўйилган”

Кейинги йилларда маҳалла тизимига берилган эътибор сабабли унинг ваколати янада кенгайди. Айниқса, маҳалла институтига миллий давлатчилигимизнинг асосий қўйи бўғини сифатида қараб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва роли оширилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида молиявий мустақиллиги кучайтирилди. Маҳалладаги «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтирилиши ишсизликнинг олдини олиш, бандликни таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Шундан келиб чиқиб, биз “ўсиш нуқта” мизни белгилаб олганмиз. Худудда жами 678 та хонадон бўлиб, барчасида томорқа бор. Унда асосан, узумчилик билан шуғулланамиз. Томорқада 112 та оила ўзини ўзи банд қилган.

Ўтган йилги фаолиятимизни сарҳисоб қилганимизда 5 нафар эҳтиёжманд ва камбағал оила рўйхатга олинганини кўриш мумкин. Қувонарлиси, барчасига моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. 2 нафар эҳтиёжмандга даволаниши учун пул маблағи ажратилган бўлса, Мадина Мунавварава 10 сотих ер орқали ўзини ўзи банд қилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаоли-

ятини бошлаш истагида бўлган 83 нафар талабгор ариза топширганди. Уларнинг 81 нафарига кредит ажратиш учун тавсиянома берилди. Энг камиди мана шунча янги иш ўрни яратилди. Муаммоли кредит йўқ. Ўз навбатида аҳоли бандлигини таъминлаш ва расмийлаштиришга берилган эътибор боис аниқланган 57 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. Ҳозир маҳаллада бирорта ишсизни топа олмайсиз. Ўтган йили 74 нафар ҳамюртимиз хорижга ишлаш учун кетганди. Бугун уларнинг аксарияти қайтиб келди. Қувонарлиси, 25 нафарига 10 сотихдан ер берилгани натижасида улар доимий иш ўрнига эга бўлди.

Оилавий ажралишларнинг олдини олиш асосий фаолият йўналишимиздан бири бўлиб, 2022 йилда 5 та ҳолат кузатилганди. 2023 йилда 2 та оилавий ажралиш қайд этилди, холос. Нотинч ва низоли оилалар йўқ.

Гарчи жиноятчиликка қарши кураш натижадорлигига кўра, “яшил” худудга кирсак-да, 2023 йилда содир этилган жиноятлар сони билан мақтана олмаймиз. 9



та жиноят бир маҳалла учун кўп. Аммо бу ҳолатлар майда безорилик бўлиб, бошқа маҳалла фуқаролари бизнинг худудда жиноят содир қилган. Жазони ижро этиб қайтган маҳалладошларимизга кўмаклашиш, ишга жойлаштиришда ёрдам беряпмиз. Масалан, 2023 йилда Машрабжон Жўрабоев озодликка чиқди. Унга маънавий ва моддий кўмак берилди. Спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор берганмиз. Худудда спорт майдончаси ва тўғараклар ишлаб турибди. “Беш ташаббус олимпиадаси”да баскет-

бол жамоаси вилоятда 3-ўринни олди. Волейболдан туманда фаол қатнашди.

Худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 2023 йилда 12 минг туп, 2022 йилда 4 минг туп терак қаламчиси экилди. Бундан 3 минг тупи аномал совуқ таъсирида нобуд бўлди.

Маҳалла муаммоси шу ернинг ўзида ҳал бўлмоқда. Айрим ечими топилмаганлари сектор раҳбари кўмағида ҳал этилмоқда. Масалан, Кичик ўрикзор кўчасига янги

трансформатор, чорраҳага светфор ўрнатилди. Болажонларнинг боғча ва мактабга қатнаши учун 1 км. ортиқ йўл асфальтланди. 18 км. масофадаги кўчага ичимлик сув, 5 км. масофага электр тармоқ тортилди. Аммо бир масала ҳамон оғриқли бўлиб турибди. 2016 йилда маҳалламиз хонадонлари табиий газ тармоғидан узиб қўйилган. Бугунгача мана шу масалага ечим топилмаяпти.


Олтиной ҚОРАЧАЕВА,
Қўштепа туманидаги
“Нурафшон” маҳалласи раиси.

ҲУҚУҚ

Уй ишчиларига меҳнат стажи ҳисобланадими?

Отақул МУҲАММАДИЕВ,
Чилонзор туманидаги “Кичик Хирмонтепа” маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда давлат ишида ишловчи ота-оналар кўп. Уларнинг кўпчилиги боласига енага, уй юмушлари учун боғбон, ошпаз каби ёлланиб ишлайдиганларни излайди. Бу жараёнда ҳуқуқий масалада кўмак сўраб маҳаллага чиқишади. Айтингчи, уй ишчилари билан меҳнат шартномаси тузиладими? Уларнинг иш режими қандай бўлади? Уй ишчиларига меҳнат стажи ҳисобланадими?



Фаррух ЖўРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Иш берувчи бўлган жисмоний шахсларга уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжларини қаноатлантириш учун ишларни бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи ходимлар (боғбонлар, энагалар, қоровуллар, оқсочлар, ҳайдовчилар ва бошқалар) уй

ишчилари ҳисобланади. Фуқаролар 16 ёшдан уй ишчиси бўлиб ишлаши мумкин. Иш берувчи билан ёзма шаклда меҳнат шартномаси тузилади. Ва бу шартнома иш берувчи ва уй ишчиси ўртасида меҳнатга оид муносабатлар юзага келишига асос бўлади. Шартнома икки кўринишда, яъни номуайян муддатли ёки муддатли меҳнат шартномаси бўлиши мумкин.

Меҳнат шартномаси уч нусхада тузилади, улардан бири иш берувчининг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади, иккинчиси иш берувчида қолади, учинчиси эса ишчига берилади.

Иш режими, дам олиш кунларини ва йиллик меҳнат таътиллари бериш тартиби ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади. Уй ишчиларини ҳар кунлик ёки ҳар ҳафталик дам олиш ёхуд йиллик меҳнат таътиллари даврида уй хўжалигида ёки уй хўжалиги аъзолари билан қолишга мажбурлаш тақиқланади.

Уй ишчиси меҳнат шартномасини иш берувчини 7 календарь кун олдин ёзма шаклда огоҳлантирган ҳолда, ўз ташаббусига кўра бекор қилишга ҳақли. Ушбу огоҳлантириш муддати уй ишчиси ва иш берувчи бўлган хонадон эгаси ўртасидаги келишувга кўра қисқартирилиши мумкин. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда у бекор қилинган кундан эътиборан 3 иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчининг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Уй ишчиларининг ёлланиб ишлаш бўйича иш даврлари агарда улар ижтимоий солиқни тўласа, ходимнинг меҳнат стажи киритилади. Бунда меҳнат стажини ҳисобга олиш ижтимоий солиқ тўлангани тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

БИЛАСИЗМИ?

Қайси ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинади?

Н.ВОҲИДОВА,
Бухоро вилояти Олот туманидан:

— Ажрашганман. Собиқ эрим алимент тўламайди, болаларидан хабар олмайди, фарзандимнинг операцияси учун ҳам пул бермади. Ичкиликка ружу қўйган. Ўғлим жаҳон чемпионатларида қатнашади. Ҳар сафар чет элга чиқишида отасидан розилик олишимизга тўғри келади. У эса розилик бермай, алиментдан воз кечишимизни талаб қилади. Бундай вазиятда мен уни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилдира оламанми?

Лобар РОЗИМОВА, ҳуқуқшунос:

— Оила кодексига кўра, ота-она (улардан бири) қуйидаги ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин: ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа; узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;

ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

Агарда мана шу асослардан лоқал биттаси мавжуд бўлса Сиз фуқаролик ишлари бўйича судга эрингизни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича ариза билан мурожаат этишингиз мумкин. Бу фақат суд тартибида ҳал қилинади.

Сиз юқорида келтирган барча сабабларни аризада кўрсатган ҳолда эрингиз, яъни жавобгар яшайдиган худуддаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишингиз керак.

МАНЗАРА

“Тартиб бўлмаган жойда ривожланиш бўлмайди”

Маҳаллаимиз 3 та қишлоқдан ташкил топган бўлиб, бу ерда жами 4 100 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий “драйвер” — деҳқончилик. Сабзи етиштириш бўйича ҳудудда ўзига хос тажриба шаклланиган. Туманни, вилоятни сабзи билан деярли биз таъминлаймиз, десам адашмайман. Мавжуд 94 гектар томорқанинг барчасида маҳсулот етиштирилади.



Маҳалла муаммолари, ижтимоий ёрдам масалаларида сектор раҳбарига кўп бор мурожаат қиламиз. Ўтган йили аксарият масалалар ечим топди. Бироқ маҳаллага иккита трансформатор ўрнатиш таклифи ҳозирча амалга ошмади. Аҳоли сони кўпайгани, оилаларнинг электр жиҳозларидан фойдаланиш кўрсаткичи ортгани ҳисобига мавжуд трансформатор қуввати

етмаяпти. Шунингдек, ички йўللари таъмирлаш масаласида мурожаат қилганмиз. Аввалига йўл қуришга масъул ташкилотлар вакиллари ҳудудга келиб, ҳисоб-китобларни амалга оширишди, қаерга қандай йўл қурилишини билдирди. Хусусан, мактабгача бўлган 1 километр масофани асфальт қилиш кўзда тутилганди. Бироқ йўлсозлардан бошқа дарак бўлмади...

Ҳудудда ичимлик сув масаласи оғир. Аҳоли сувни 7-10 километрдан ташиб ичади. Бунда сув ташувчи машиналар масофага қараб 140-160 минг сўмдан хизмат кўрсатади. Хонадонлар сувни уй олдидаги ҳовузларда сақлайди. Ҳозирда сувни тартиб келиш имкони бўлмаяпти. Бу масалада масъулларга таклиф киритганмиз. Қолаверса, ўтган йили маҳалла идораси капитал таъмирлаб берилган бўлса-да, мебель масаласи қийнаб турибди. Тумандаги янги қурилган маҳаллаларга смета асосида мебель ва бошқа жиҳозлар берилган. Аммо идорамизни таъмирлаётганда сметага мебель жиҳозлари кирмай қолган, шу боис ҳозирда эски буюмлардан фойдаланиб турибмиз.

Ичимлик сув масаласи қийин бўлса-да, деҳқончилик, томорқа учун дарё сувидан фойдаланамиз. Маҳаллаимиз дарё тепасида жойлашган, фермерлар, оддий аҳоли насос ёрдамида сув чиқаради. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган кўчатларни айнан шу сув ёрдамида суғорамиз. Кўчатларни, асосан, дарё ва ариқ бўйлари, аҳоли хонадонига яқин жойга ўтказганмиз. Боиси, дастлабки йилларда 3-4 минг ниҳол эккан бўлсак, шунинг 2 мингга яқинини сақлаб қолардик. Суви, қаровига эътиборсиз бўлдиқ, бундан тегишли хулоса чиқардик.

Маҳалла жиноятчилик бўйича “қизил” тоифада. Ўтган йили 4 та жиноят содир бўлди. Барчаси оила-турмуш, кўшнilar келишмовчилиги билан боғлиқ. Иккита нотинч оилани соғлом ҳаётга қайтардик. Ажралишлар йўқ, оилаларни маҳалланинг ўзида яраштиришга эришяпмиз. Битта фуқаро жазони ўташ муассасасидан қайтди, унга бир марталик моддий ёрдам кўрсатдик, рўзғорига кўмаклашдик. Соғлигида муаммоси борлиги туфайли уни ҳозирча бирорта ишга жойлаштира олмаганмиз, бироқ унга тўғри келадиган ишни топаемиз,

албатта.

Бандлик ҳақида сўз кетганда, 20 нафардан зиёд кишига кредит берилди. 40 нафарнинг бандлиги таъминланди. Бунда уларга ер ажратилди, айримлари ўзини банд қилди, баъзилари тадбиркорликни йўлга қўйди. Тўрт кишига субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди.

Таклифларга келсак, “маҳалла еттилик” шакллантирилган экан, ҳар бир ходимнинг ўз иши билан машғул бўлиши, вазифасини жой-жойида амалга оширишини таъминлаш даркор. Мисол учун, йиллар давомида бизни солиқ йиғиш қийнаб келарди. Солиқчилар билан ҳар бир хонадонга кириб чиқардик. Бу ҳатто 2-3 кун вақтимизни оларди. Маҳалла раисининг иши фақат солиқ йиғиш эмас-ку, оқибатда ўзимизнинг асосий вазифаларимиз қолиб кетарди. Яхшики, солиқ инспектори лавозими ажратилди, энди унинг ўзи бу ишлар билан шуғулланади.

Ёки бўлмаса, ходимларнинг қандай иш билан машғуллигини, ҳатто қаердалигини билмай қолардик. Қўнғироқлашсак, “туман топшириғи билан юрибман, ҳисобот топширяпман” деган гапларни эшитамиз. Яъни маҳалла раиси ўз ходимларининг нима қилаётганидан бехабар эди. Ҳар бирининг юқори турувчи ташкилоти бор, топшириқни улардан олиб, ҳисобини уларга топширади. Эндиликда маҳаллада раислар назорати кучайтирилиб, ходимлар давоматини юритиш ваколати берилгангани мақсадга мувофиқ бўлди. Бу уларни бирор ишга йўналтириш, натижасини биринчи навбатда билиш, уларга юқоридан қандай топшириқ берилаётганини назорат қилиш имконини беради. Зеро, тартиб бўлмаган жойда ривожланиш бўлмайди.

Арслон ХУШВАҚТОВ,
Косон туманидаги
“Косон” маҳалласи раиси.

ҲОЛАТ

“Идорада ҳужжат ишларига улгурмаяпмиз”

Маҳаллаимиз катта, 17 та кўчадан иборат. Ҳудудда яшовчи 7 621 нафар аҳолининг аксарияти деҳқончилик ишларида, томорқада банд. Хусусан, 492 та хонадон 3-4 сотихдан томорқага эга бўлса, лимончиликка ихтисослашган 65 та иссиқхона бор. Картошка, пиёз, сабзи каби кундалик рўзғорга керакли маҳсулотлар томорқанинг ўзидан чиқади.

Ўтган йили 37 та масала бўйича сектор раҳбарига мурожаат қилганмиз. 32 таси йил давомида манзилли равишда ҳал этилди. Жумладан, 2,6 километр йўлга шағал тўқдик, биттасига трансформатор ўрнатдик, 1,5 километр асфальт йўлни қайта таъмирладик. Иккита масала — кўшимча трансформатор ўрнатиш ва симёғочларни алмаштириш ишлари ҳозирда бошланган. Яна 3 та масала ер ажратиш билан боғлиқ, уларни баҳорга қадар ҳал этиш режалаштирилган.

Туман ҳокими, сектор раҳбари доимий равишда аҳоли билан учрашиб, маҳаллага тааллуқли масалалар юзасидан ахборот бериб боради. Бошқа ташкилотлар ҳозирча келмаган. Худди



шундай, ҳудуддаги таълим ва тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ахбороти бирон марта эшитилмаган.

Сув етишмаслиги, ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли кўчатлар қуриб қоляпти. Ўтган йиллар давомида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 14 мингта кўчат экилди. Афсуски, уларнинг 4,5 мингтаси қуриб қолди. Ҳозирда 9,5 мингта кўчат баравж ривожланмоқда.

Олдинги йиллардан хулоса чиқариб, кўчатларни сув таъминоти мавжуд жойларга, аҳоли хонадонларига экишга эътибор қаратдик.

Ҳудудда жиноятчилик ҳолатлари йўқ, ҳозирда “яшил” тоифада турамиз. 3 та нотинч оила бор. Уларнинг барчасида ичкиликка муккасидан кетган оила бошлиқлари бор. Улар билан ҳам профилактик, ҳам тиббий муолажалар олиб бордик. Ҳо-

зирда иккитаси соғлом турмуш тарзига қайтиш арафасида. 2023 йилда биронта ажралиш кузатилмади, бироқ 2024 йилнинг ўтган даврида 3 та оила ажралиш ёқасида турибди. Уларнинг биттаси шунчаки сабабсиз шу йўлни танлаётган бўлса, биттаси фарзандсизлик, яна бири оилавий келишмовчилик туфайли ажрашмоқчи. Уларни қанча бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилмайлик, натижа бўлмаяпти. Ваҳоланки,

ўтган йили худди шундай 9 та оилани яраштиришга эришгандик.

Одамларнинг бандлигини маҳалладан чиқмай таъминлашга уриняпмиз. Шу мақсадда ҳоким ёрдамчиси кўмагида ўтган йили 78 нафар кишига имтиёзли кредит олиб бердик. 30 нафари ўзини ўзи банд қилди. Миграция асосида чет элда ишлаётганларни юртга қайтаришга ҳаракат қиляпмиз. Уларга айнан имтиёзли кредитлар, субсидиялар асосида ўз бизнесини йўлга қўйиши, оила даврасида яшаб, ишлашини таъминлашни таклиф қиляпмиз.

Таклифлар масаласига келсак, ҳар қанча айтилган бўлса-да, яна такрорлашга мажбурман: маҳаллага ҳужжатлар билан ишлайдиган масъул котиб штати шарт ва зарур. Боиси ходимлар зиммамизга юклатилган вазифалар ижроси доирасида кўча-кўйда, мажлисда бўламиз. Идорадаги ҳужжат ишларига улгурмаяпмиз, улар чала қолиб кетяпти. Истардикки, мазкур масала юқори турувчи ташкилотларда кўриб чиқилса...

Ақбар ШОИМОВ,
Нишон туманидаги
“Ширинобод” маҳалласи раиси.

КЎЗГУ

“Қайта ишлаш корхонаси очилса, хотин-қизлар ишли бўларди...”

Маҳалла Навоий вилоятининг Кармана тумани билан чегарадош. Кармана туманига саккиз, Навоий шаҳрига йигирма километр, холос. Самарқанд шаҳрига 250 километр. Шу боис аҳолининг эллик физи кўшни вилоятдаги корхона ва заводларда меҳнат қилади.

Аҳолининг ярми деҳқончилик билан машғул. 12 та хонадонда 5-8 сотихли иссиқхоналар бўлиб, уларда кўпроқ шивит, исма-лок, кўк пиёз каби турли кўкат ва лимон етиштирилади. Ориф Холиқов, Отамурод Эргашев тажрибали томорқачилардан. Эркин Ёркулов 8 сотихли иссиқхонасида ранг-баранг атиргуллар экиб, яхши даромад топяпти.

Ўтган йили тикувчилик, қури-лиш-таъмирлаш, юк ташиш хиз-матлари бўйича 225 нафар ишсиз фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, рўйхатдан ўтди. Хизмат кўрсатиш ва иссиқхона бўйича 45 кишига имтиёзли кредит ажратилди. 12 тасига тикувчилик берилди. Шулардан бири Марғуба Хўжамуродова маҳалла биносидан ажратилган битта хонада тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Бу ерда иккита иш ўрни яратиб, бешта шо-гирдига хунар ўргатмоқда. Фаз-лиддин Тўраев оилавий корхона ташкил этиб, суюқ совун (гель) маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Айрим ёшлар республикамизнинг турли ҳудудларида норасмий ишлар билан банд.

Маҳалладаги 18 та эҳтиёж-манд оиланинг 10 тасига тикув машинаси ва пишириқ печлари берилди. 3-сектор раҳбари та-

шаббуси билан уч нафар оилага шифер берилиб, ҳашар йўли би-лан томи ёпилди.

Ҳудуд аҳолиси табиий газ, ичимлик сув билан тўлиқ таъмин-ланган. Бу масалада деярли муам-мо йўқ. Ўтган йили “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида икки марта ғолиб бўлиб, 450 миллион сўмга маҳалла биноси қайта қурилиб, атрофи ободонлаштирилди. Хо-зир саккиз хонадан иборат замона-вий маҳалла идорасига эгамиз. Яна бир лойиҳа орқали ютиб ол-ган 350 миллион сўмга эски газ қувурлари янгисига алмаштирил-ди. Ҳоким кўмагида 3 километр пиёдалар йўли қурилди. 15 та кўчанинг олтитаси шағаллашти-рилиб, Нурли ва Темур Малик кўчалари асфальтланди. Иккита трансформатор янгиланди. Уяли алоқа линиялари яхшиланиб, де-ярли барча хонадонларга “вай-фай” келди.

Пахта ва ғаллачиликка их-тисослашган ўн иккита фермер ҳамда Зарафшон ўрмон хўжали-ги атрофида иккита узумчилик фермер хўжалиги бор. Бироқ ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд эмас. Пахта ва узумни қайта ишлайдиган бирор корхо-на очилса, ишсиз хотин-қизлар ишли бўларди. Бу масалага доир



таклифлар ўтган йили туман ҳо-кими, сектор раҳбари ва турли ташкилот вакиллари иштироки-да ўтган сайёр қабул ва ҳисоб-бот йиғилишларда билдирилган. Амалий натижалар жорий йилда амалга оширилиши ваъда қи-

линган. Ҳозирда йиғиндаги 15-мак-табда волейбол, қўл тўпи, гим-настика тўғрақлари фаолият юритмоқда. Ёшлар “Беш ташаб-бус олимпиадаси”да “Заковат” интеллектуал ўйини ва бахши-

чилик бўйича туманда ғолиб бў-либ, вилоятда фаол қатнашди. Хотин-қизлар ҳар куни волейбол билан шуғулланади. Улар туманда биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланма олди.

Жорий йилги режалар кўп. Жумладан, Чароғон ва Бахтли эл кўчаларининг 2,5 километри асфальтланади. Янги ташкил этил-ган 50 та хўжаликнинг электр таъминотини яхшилаш учун 23 та бетон устун ва 2 та трансформа-тор ўрнатилиши белгиланган. Энг муҳими, мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланган ҳолда ишсиз хотин-қизларни иш билан таъ-минлаш чоралари қурилади.

Азамат КАҲҚОРОВ,
Пахтачи туманидаги
“Ободон” маҳалласи раиси.

НИГОХ

“Масъуллар муаммони ўрганишди, аммо ҳануз натижа йўқ”



Маҳалламиз зиёлилардан иборат. Аҳолининг ярмидан кўпи давлат ташкилотлари, таълим муассасаларида меҳнат қилади. Қолган қисми савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Ишсизлар деярли йўқ. Йигирмадан ортиқ мигрантлар Корея ва Туркияда ишлайди.

Нурафшон шаҳри Тошкент вилояти маркази бўлган, маҳал-лада кўплаб бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Учта кўп вақатли уй қурилди. Шодлик кўчасидан юзга яқин хўжаликларга ер берилиб, янги ҳовлилар ташкил этилди. Ушбу кўчанинг 1,5 километри асфальтланиб, хонадонларга ичимлик сув тармоғи тортилди.

Аҳоли ўртасида томорқачи-лик ва ободонлаштириш бўйича тарғибот ишлари олиб борил-моқда. Томорқачилар катта эмас, 4-6 сотихдан иборат. Айрим-лари иссиқхона қуриб, қишин-эзин помидор, бодринг, кўкатлар етиштирмоқда. Ҳар ойда ҳашар ишлари ташкил этилиб, хонадон-лар атрофи ва кўчалар ободон-лаштирилади. Бу ишлар “Яшил

экилди. Бироқ ўтган йил баҳор ойида экилган кўчатларнинг кўпи совуқ урганиданми, нобуд бўлди.

Маҳалла ёшларининг “Беш ташаббус олимпиадаси”да стритбол бўйича республикада 2-ўринни қўлга киритиши нати-жасида Шодлик кўчасида “Street Workout” ва баскетбол майдони қуриб берилди. Ҳозир 4-мак-табда волейбол ва баскетбол тўғрақлари фаолият юритмоқда. Маҳаллада спорт мактабларини битириб келган курашчи спорт-чилар кўп.

Аҳоли ҳамжиҳат, ташаббус-кор. Шу боис “Ташаббусли бю-джет” лойиҳасида икки марта ғо-либ бўлди. Биринчи лойиҳа орқали 4-мактаб тўлиқ таъмирланди. Айни пайтда иккинчи лойиҳа асосида 7-боғча таъмирланиб, қўшимча бино қурилмоқда. Ҳу-дудда бешта хусусий боғча бўл-гани учун боғча ёшидаги болалар тўлиқ қамраб олинган.

Ўтган йили 2-сектор ва ички ишлар идораси раҳбарлари ке-либ, сайёр қабул ва ёшлар билан учрашувлар ўтказди. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ишлар олиб борилиб, мавжуд муаммолар ҳал этилмоқда. Куни кеча 2-сектор раҳбари аҳолига ҳисобот берди.

Ҳудудда бажарилган ишлар билан бирга, қилиниши керак бўлган масалалар бор. Хусусан, Уфқ кўчасидаги 96 та хонадонга

ичимлик сув тармоғи тортиш ке-рак. Баҳор кўчасидаги ичимлик сув қувурларининг тешилиши натижасида сув исроф бўлмоқда. Шу боис уни таъмирлаш зарур. Шодлик ва Уфқ кўчалари ора-лиғидаги катта ариқнинг 200 метр қисмини тозалаш лозим. Бу масалада масъул ташкилотга ха-бар берилган, келиб ўрганишган. Бироқ амалий натижа йўқ.

Давлат хусусий-шериклик асосида маҳалла идораси ку-рилган, лекин қурувчи тадбиркор ишни охирига етказмай чала қолдириб кетган. Бино томи ёпилган, фақат ички хоналарни бўлиш ва пардозлаш ишлари қолган. Шу боис икки хонадан иборат эски маҳалла биносида ўтирибмиз.

Маҳаллада олтимиш икки-та оила эҳтиёжманд оилалар рўйхатига олинган. Яқка-ёлғиз уч нафар фуқаронинг уйи таъ-мирланди. Етти нафар аёлга ти-кув машинаси берилиб, ўзини ўзи банд қилишга эришилди. Моддий ёрдам ва зарур озик-овқат маҳсулотлар белгиланган мезонлар ва ҳомийлар кўмагида мунтазам етказиб берилмоқда. Жорий йилги режаларимиздан бири, аҳолини камабағалликдан чиқаришдир.

Бўтакўз ШАЙМАРДОНОВА,
Нурафшон шаҳридаги Муқимий
номидаги маҳалла раиси.

макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида янада кенг оммала-шади. Куз фаслида 350 туп ме-вали ва манзарали дарахтлар хонадонлар ва кўча бўйларига

ФИКР

“Бу сенинг вазифанг, бу меники” дейилса, муаммо ҳал бўлмайди



“Маҳалла бешлиги” ҳар куни эрталаб йиғилиб, амалга оширилиши керак бўлган ишларни муҳокама қиламиз. Ўзаро фикр алмашиб, бир-биримизга тавсиялар берамиз. Ҳафта якунида ҳисобот топшириб, йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинади. Бу усул анчадан буён яхши самара бермоқда. “У сенинг вазифанг, бу меники”, деб ўзини четга олиш билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Бундан буён “маҳалла еттилиги” билан ҳам ишни шу тартибда давом эттирмақчимиз.

Барно Комилова “Энг намунали ёшлар етакчиси” кўрик-танловининг Республика босқичида ғолибликни қўлга киритди. Унинг олдида қўйган мақсадлари жуда катта. Иқлим ва шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳудудимизда узумчиликни янада ривожлантирмоқчи. Бунинг учун ёшларнинг

кредит олишида катта ёрдам бериб келяпти. Хусусан, ўтган йили маҳалла тавсияси билан 78 та хонадон 5 миллион сўмдан кредит олди. Ҳозирги кунда улар кўрпа-тўшак тикиш, гулчилик, сават тўқиш, косибчилик йўналишларида ишни анча йўлга қўйиб олган. Йил бошидан буён

кредит олиш истагини билдириб яна 30 киши мурожаат қилди. Февралдан янги ғояларни молиялаштиришга киришамиз. Ёшларга қанча кенг имконият очиб берсак, эҳтиёжманд оилалар шунча камайиб бораверади.

2023 йилда маҳалламиздаги 24 та ёрдамга муҳтож хонадонларга ҳар тарафлама кўмак берилди. “Ёшлар дафтари”га киритилган 8 нафар талабаларнинг контракт пулларини тўлаб бердик. Туман ҳокимлиги 1-гурӯх ногирони бўлган болага кизиқишидан келиб чиқиб, компьютер совға қилди. Гарчи, унинг қўллари ишламаса-да, оёқлари

ёрдамида дастурлаш сирларини ўрганипти.

12 нафар ёлғиз яшайдиган кексалар ҳолидан кунора хабар олиб турамыз. Қўни-қўшнилар ош-овқатни узмайди. Улар орасида ёши етмишга яқинлашиб қолган бир аёл бор. Икки қизини узатиб, уйли-жойли қилган. Ўғли ишлаш мақсадида хорижга кетиб, қайтиб келмаган. Муштипар она ҳануз дилбандининг келишидан умидини узмаган. Қизлари келиб туради, аммо биз ҳам эътибордан четда қолдирмаймиз. 6 та кам таъминланган оилага “Тумангаз” таъминоти вақти-вақтида суюлтирилган газ баллонларни етказиб беришди. Сабаби бориб олиб келадиган ҳеч кими йўқ.

Ишсизлар атиги 2 нафар. Яна 6 киши хориждан яқинда қайтиб келди. Шу кунларда цемент заводида иш бошламоқчи. Ўтган йили 127 нафар ёшларга ер берилди, кредит ажратилди, хоҳловчиларни ишга жойлаштирдик. 8 нафар аёл субсидия асосида тикув машиналарига эга бўлди. Мигрантлар сони 72 нафарни ташкил этмоқда. Кўпчилиги оилавий кетишган, ўша ерда ишлаб пул топапти. 45 киши 2023 йилда юртимизга бутунлай қайтиб келди.

Ўтган йили 5 минг туп кўчат экилди. Бу ниҳоллар, асосан, куз фаслида ўтказилди. Ҳаммаси бирдек кўқаришига умид боғлаб турибмиз. Лойиҳа баҳона одамлар ҳам томорқасига ниҳол қаддашга ўрганиб қолди. Кўпчилик олча кўчатларини экиб, даромад қилишга улгурди.

Нодирахон ДАЛИМОВА,
Булоқбоши туманидаги
“Тошкечик” маҳалласи раиси.

БИЛАСИЗМИ?

Саёҳат харажати қопланади



“Ўзбекистон Республикасида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ – 20-сон, 12.01.2024 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2024 йилдан темир йўл ва жамоат транспортларида ҳамда барча аэропорт, вокзал, автошохбекатларда ногиронлиги бўлган ва жисмоний имконияти чекланган шахслар учун шароитлар, махсус кўтарилмиш пандуслари ва қулай зина тутқичлари ўрнатилди ҳамда кема аравачалари (ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус аравача) қўйилади.

2027 йил 1 январга қадар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган 1000 нафар шахсга Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ 500 минг сўмдан ошмаган қисми;

эшитиш қобилиятини йўқотган ногиронлиги бўлган шахслар учун сурдогидлар тайёрлаш курслари харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилди.

МУАММО

“Кучланиш паст, таъминот тўқис эмас...”

Маҳалламиз аҳолисининг пилла етиштиришга иштиёқи баланд. Бунинг учун ҳудудда махсус пиллахона ташкил этилган. 30 киши доимий равишда иш билан банд. Шу билан бирга, яна 27 хонадонда баҳор ва куз мавсумларида ипак кўрти боқилади. Фуқароларга расман иш стажи ёзилаётгани жуда маъқул келмоқда.

Ўзига ёққан юмуши билан банд кишининг тоғгани баракади бўлади. Шу мақсадда ўтган йили кизиқиши ва хоҳишига қараб 140 нафар ишсиз фуқаро доимий ва мавсумий ишларга жойлаштирилди. Термиз шаҳридаги бандликка кўмаклашиш марказида ташкил этилган тикувчилик, пазандалик, ҳайдовчилик, пайвандлаш курсларида ўқиб келиб ишга жойлашаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Эътиборли жиҳати, таҳсил олувчиларга уч маҳал овқат берилди ҳамда бир миллион сўмдан стипендия тўланапти. Қолган 120 нафар фуқаронинг бандлигини шу тарзда таъминлашни мақсад қилганмиз.

Ўзи ҳаракат қилиб, катта даромад топиш истагини билдирган 16 кишига кредит олиши учун тавсиянома берилди. Улар деҳқончилик ва боғдорчилик бўйича ўзини синаб кўришди. Афсуски, ўтган йилги аномал совуқ туфайли кўпчилигининг лимон дарахтлари нобуд бўлди.

Ҳозир бошқа экинлар етиштириб қарздорликни ёпишяпти. 6 нафар аёл субсидия асосида тикув машинасига эга бўлди. Қўли гул чеварларимиз тиккан либослар кўзни қувонтиради.

510 та хонадоннинг умумий томорқа майдони 93 гектарни ташкил этади. Расман ишни шу йўналишда ташкил этганлар сони 150 нафар. Улар, асосан, картошка, пиёз, ерёнғок, буғдой, арпа, шולי каби экинлар экишади. Аҳолининг яшаш шароити яхши, ҳамма ўзига тўқ.

2023 йилда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 4 500 туп дарахт кўчатлари ўтказдик. Оқова сув танқислигидан 400 тупи нобуд бўлди. Бизнинг иқлим шароитида терак ва тол яхши кўқаряпти. Қолаверса, аҳоли ўз хонадонларига бодом, ёнғок, бир йилда икки марта ҳосил берадиган олма дарахтлари экишди. Олманинг бу навига қизиқиб, ўзим бориб кўрдим. Ҳақиқатан, биринчи ҳосилни териб олгач,



яна гуллаб мева тугаркан. Катта дарахт бўлиб кетган. Қизил, сувликкина олманинг мазаси оғзингизда қолади.

2023 йилда волейбол жамоамиз республика босқичида 2-ўринни эгаллади. Спортчиларга совға сифатида берилган воркаут майдонида ҳамма шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Бундан ташқари, кураш,

футбол, гимнастика тўғараклари доимий ишлаб турибди. Катта ёшлилар эрталаб 15-20 киши бўлиб пиёда юришни машқ қилишади. Хуллас, ҳеч ким соғлигига бефарқ эмас.

Трансформатор ва ичимлик сув керак. Аслида маҳалламизда 3 та трансформатор бор, лекин кучланиш жуда паст. Агар яна битта кўшимча ўрнатилса, таъми-

нот тўқис бўларди. Қандолат цехи очишни мақсад қилиб юрган тадбиркорларга айна шу масала тўсиқ бўляпти. Худудимизнинг 94 фоиз аҳолиси ичимлик сув билан таъминланган. Қолган 6 фоизи қийналяпти, холос.

Исроил АНОРОВ,
Шўрчи туманидаги
“Шакаркўл” маҳалласи раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

“Спорт билан шуғуллангани ёшларда шароит йўқ”



Маҳалланинг асосий “драйвери” – узумчилик. 726 та хонадоннинг ҳар бирида 10 тупдан 200 тупгача тоқлари бор. Даромад шундан. Бундан ташқари, бешта боғдорчилик фермер хўжалиги бор.

Бироқ бирорта ишлаб чиқариш корхонаси йўқ. Ўтган йил ҳисобидида 166 нафар ишсиз фуқаронинг деҳқончилик йўналишида бандлиги таъминланди. Ҳозирда 137 нафари ишсиз. 347 нафар фуқаро хорижда ишламоқда. Улар ҳар йили куз-қиш мавсумида уйига қайтиб, эрта баҳорда яна ишига кетади. Мигрантларнинг биронтаси қайтарилиб, ишга жойлаштирилгани йўқ.

Кредит олишга тавсия берилган 45 фуқаронинг барчаси имтиёзли кредит асосида тикув машина ва электромоторцикл олиб, ўзини ўзи банд қилди. Барно Курбонова тикув машинаси ёрдамида ўзини даромадли қилиш билан бирга, маҳалла ёшларига тикувчилик сирларини ўргатапти.

Маҳаллада инфратузилма ишлари қоникарсиз. Яқинда битта трансформатор кўйилди. Бироқ аҳолининг аксарияти хонадонларига электр симларини вақтинча устунлар ёрдамида тортиб олган. Бу фуқаролар ҳаёти учун жуда хавфли. Шу боис 300 дан ортиқ бетон устунлар зарур. 32 та кўчанинг барчаси тупроқ йўллардан иборат. Биринчи навбатда, 18 километр йўлни шағаллаштириш керак. Ичимлик сув муаммо, 70 фоиз хонадонга тармоқ тортиш лозим.

Ёшларнинг спорт билан шуғулланишига шароит йўқ. Икки сменада ишлаётган 35-мактабнинг спорт зали таъмирталаб, ёпилган. Шу боис маҳалла ёшлари учун бирорта спорт тўғараги ташкил этилмаган.

Маҳалла инфратузилмаси Ислом тараққиёт банки лойиҳасига киритилган. Хусусан, 35-мактабга қўшимча бино қуриш ва таъмирлаш ҳамда 90 ўринли боғча қурилиши белгиланган. Бироқ икки йилдирки, бу янгиликларни амалга ошириш ортга сурилмоқда.

Аҳолини узоқ йиллардан бери қийнаётган муаммолардан яна бири, транспортлар ҳаракатланиши учун йўл ташкил этиш. Ўнга яқин хонадонга кириб бориш учун ҳеч қандай йўл мавжуд эмас. Аҳоли тўй-ҳашам ва маъракаларда жуда қийналяпти. Асосий муаммо, аҳоли яшайдиган турар жой билан фермер хўжалигига қарашли ер майдонининг бир-бирига тутшиб кетганидир.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича имкониятлар мавжуд. 10-12 метрдан сув чиқади. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида хонадонлар, катта автомобиль йўл ва кўча бўйларига 1 200 туп манзарали дарахтлар, асосан, япон сафораси, гужум, терак экилди. Фуқаромиз Баҳодир Юсуповга маҳалла ҳудудидан ўтувчи катта автомобиль йўл ёқасидан дарахт экиши учун шартнома асосида ер ажратиб берилди. Ҳозирда экилган ҳар бир дарахт рўйхати махсус планшет дастурига киритилган бўлиб, экология ташкилоти назоратида.

Маҳаллага тегишли ташкилот раҳбарларининг ҳисобот бериши белгиланган. 2-сектор раҳбарини ҳисобга олмаганда ўтган йил маҳаллага бирор ташкилот раҳбари келиб ҳисобот бермади.

Кувондиқ ЖУМАНИЁЗОВ,
Боғот туманидаги
“Боғистон” маҳалласи раиси.

Авалроқ ушбу маҳалланинг Ёруғлик кўчасида яшовчи фуқаро Ҳамро Содиков йўл масаласида таҳририятнинг “Маҳалла раислари” телеграм каналига видеомурожаат йўллаган эди. Унинг маълум қилишича, бу масалада барча ташкилотларга мурожаат қилинган, мутасаддилар келиб ўрганишган, лекин амалий натижа бўлмапти.



“Оиладаги масъулиятни тўлиқ англаб етмаяпти”

Аҳолининг асосий даромади қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан. 919 та хонадоннинг 120 таси кўп қаватли уйда яшаса, қолгани томорқа ер майдонларида полиз ва сабзавот экинлари экишмоқда. Бундан ташқари, аҳоли фермерларнинг ғалладан бўшаган ер майдонларига такрорий экин сифатида маккажўхори, қизилча, картошка экиб, қўшимча даромад оляпти.

Ўтган йили расмий тарзда ўзини ўзи банд қилган 92 нафар фуқаронинг 36 таси томорқачилик бўйича рўйхатдан ўтган. Деҳқончилик билан шуғулланишни истаган яна тўрт нафар ишсиз фуқарога 30 сотихдан ер берилди.

Маҳаллада деярли ишсизлар йўқ. Ўтган йили ҳоким ёрдамчиси Уктам Зоҳидов билан 168 кишини расман ишга жойлаштирдик. 42 нафар фуқарога тикув машина, мотокультиватор, “муравей” олишлари учун 908 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Тадбиркорлик йўналишида кўпроқ маиший хизмат кўрсатиш ва устачилик хизматлари сони ортмоқда. Ана шундай уста-хунармандлардан бири Холида Эштеева қизи Хулкар-ой Норпўлатова билан хонадонда ёғочдан эшик-ром ва деразадан ташқари, стол-стул, хонтахта, ўқлов каби уй-рўзғор буюмлари ясамоқда. Аксарият ёшлар пойтахтдаги қурилиш ишларида мавсумий ишламоқда.

Маҳалла Чирчиқ дарёси бўйида жойлашгани учун бу ерда карьер тошларидан қурилиш учун зарур бўлган қум, шағал ишлаб чиқарувчи тўртта кичик завод бор. Уларнинг ҳар бирида камида беш нафардан фуқаро доимий иш ўрнига эга.

Худудда инфратузилма яхши. “Обод маҳалла” дастурига киритилгач, аҳоли ичимлик сув билан тўлиқ таъминланди. Электр энергия ва газ таъминотидан муаммо йўқ. Барча кўчалар асфальтланиб, эски симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. Пиёдалар йўли қурилиб, тунги ёриткичлар ўрнатилди. Ўтган йили аҳолига қулайлик яратиш мақсадида хомийлар кўмагида 34-боғчага олиб борувчи пиёдалар йўли бетон қилинди.

Оилавий ажралишлар йўқ, лекин 15 та оила яраштирилди. Энг катта муаммо, ёшларда. Улар оила масъулиятини тўла англаб етмаяпти, муомала маданияти йўқ. Шунингдек, қайнона-келин муносабати ва учинчи шахс аралашуви оилаларда турли келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Қувонарлиси, худудда

жиноятчилик йўқ, “яшил” тоифадамиз. Бунга профилактика инспектори Муслимбек Абдурайимов билан туну кун ҳамкорликда ишлаш орқали эришдик. Қолаверса, профилактика инспектори маҳалланинг ўзида, хизмат уйида яшаши катта ёрдам бўляпти.

Маҳаллада чемпионлар бор. 2022 йил тазквонда бўйича Беларусь давлатида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 11-синф ўқувчиси Асатилла Жонбоев 3-ўринни олди. Асатилла каби спортсевар ёшлар учун имкон қадар зарур шароитлар яратилмоқда. Ҳозирда 7-мактабда тазквондо, волейбол, футбол тўғарақлари ёшлар билан гавжум. Футбол ишқибозлари учун алоҳида мини футбол майдони қурилган.

Ўтган йили “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида хонадонлар ва кўча бўйларига 2643 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бир қисми фермер хўжалиқларига қарашли ер майдонлари атрофида парваришланмоқда. Тўғриси, ўтган йиллар давомида экилган кўчатларнинг 50-60 фоизи ўсган, холос. Лекин сўнги экилган кўчатларнинг эгаси ҳам, суви ҳам бор. Эрта баҳорда алоҳида боғ яратиш ниятидамиз.

Туман ҳокими маҳаллага тез-тез келиб, сайёр қабуллар ўтказиб бормоқда. Ҳоким билан бирга, турли ташкилот вакиллари қатнашиб, аҳолини қийнаётган муаммоларни босқичма-босқич бартараф этмоқда. Фуқароларнинг асосий муаммоси, фарзандларига қўшимча уй-жой қуриш учун ер ҳамда соғлиқларини тиклаш масаласи бўлмоқда. Аҳолининг уйга бўлган талабини қондириш учун беш қаватли янги тураржой қурилмоқда. Шунингдек, канализация тармоқлари яхшиланмоқда.

Таклиф, янги маҳалла идораси қуриш зарур. Ҳашар йўли билан қурилган ҳозирги икки хонадан иборат бино шароити “маҳалла еттилиги”нинг фаолият юритишига етарли эмас.

Мадрахим ҚОРАБОЕВ,
Чиноз туманидаги
“Гулзоробод” маҳалласи раиси.



ХОЛАТ

“Кўчага чирок, аҳолига ичимлик сув керак”

Икки йилдан буён маҳаллага раислик қилиб келаётган бўлсам, аҳолини қийнаётган барча масалаларга баробар ечим топишга ҳаракат қиляпман. Айниқса, эҳтиёжманд оилалар доим эътибор марказимизда.

Ўтган йили 60 та шундай хонадонларнинг шароитидан келиб чиқиб ёрдам кўрсатдик. Имконияти чекланганларга ногиронлик аравачаси олиб берилди. Қўлида хунари борлар тикувчилик машинасига эга бўлишди. Суяк емирилиши ташхиси қўйилган уч беморнинг операция пулини тўлашга кўмаклашдик. Туғма юрак нуқсони бўлган боланинг дори-дармонлари олиб берилди. 4 кишининг уйи таъмирланди. Сектор раҳбари ташаббуси билан 3 та оилага 10 ва 20 тадан товуқ ҳамда соғин сигир олиб берилди.

Маҳалламизда юрагида ўти бор ёшлар талайгина. Ўтган йили шундайлардан 114 нафарига маҳалла тавсияси билан кредит ажратилди. Мебель ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тадбиркорлар бу пулларга бизнесини янада кенгайтирди. Қолганлар хизмат кўрсатиш, тикувчилик, чорвачилик ва иссиқхона бўйича янги иш бошлашди. Шу билан бирга, 39 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

2023 йилда 312 нафар ишсизлар рўйхатга олинган бўлса, ҳозир уларнинг сони 45 нафарни

ташкил этмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия, кредит, ер ажратилди. 20 нафар фуқаро тадбиркорликка ўқитилди, бир нафар фуқаро сувоқчиликни ўрганиб, шартнома асосида Россияга ишлагани кетди.

Шу аснода мигрантлар масаласига тўхталиб ўтмоқчи эдим. Ортада қолган йилда 14 киши Ватанимизга бутунлай қайтиб келди. Айни кунларда 53 киши чет элда ишляпти. Деярли барчаси тез-тез келиб кетади. Оила аъзоларига пул юбориб туради. Фақат Тожиддин Аларов Қозоғистонда ишлайман, деб чиқиб кетганига 7 йил бўлибдики, дарага йўқ. Онаси ва укаси билан хабарлашмай қўйган. Турмуш ўртоғи икки нафар фарзанди билан 3 йил йўл пойлади. Бошқа аёлга уйланганини эшитгач, ота уйига қайтиб кетди. Ҳозир тикувчилик қилиб рўзғор тебратяпти. Орамизда ҳаётга шундай енгил қарайдиган кишилар ҳам учраб турар экан-да...

Жиноятчилик анча камайди. 2022 йилда “қизил” худудга кирган эдик. 2023 йилда фақат



битта ўғрилиқ содир этилди, холос. Улар ҳам зарар қоплангач, ўзаро келишиб кетишди. Ҳар эҳтимолга қарши бу фуқарони назоратга олганмиз. Бандлиги таъминланган.

7 та қишлоқнинг 2 тасида умуман ичимлик сув йўқ. Аҳоли транспорт ва мототранспорт

воситаларида олиб келинаётган сувдан сотиб олиб ишлатишди. Ички кўчаларга чироклар ўрнатиш керак. 40 та эскирган электр устунларни алмаштириш зарур. Ўтган йиллар мобайнида 5 км. йўл асфальт қилинган бўлса, яна 10 км. ички кўчалар таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Бу

муаммолар бўйича давлат идораларига мурожаат қилганмиз, 2024 йилда амалга оширамиз, деб ваъда қилишяпти.

Шерали МУҚИМОВ,
Шофиркон туманидаги
Алишер Навоий номидаги
маҳалла раиси.

МУАММО

“Ер бор, аммо суғоришга имкон йўқ...”

Аёл пул топиш илинжида хорижга кетдию, шу билан қайтиб келмади. Турмуш ўртоғи ва уч фарзанди унинг йўлига қанча кўз тикмасин, фойдаси бўлмади. Кутишдан толиққан эркак бир ой аввал бошқа оила қурди. Болалар эса онасининг меҳрига тўймай қолди. Бу маҳалламизда қайд этилган икки ажралишнинг бири.



Яна бир оиланинг ажралишига ишончсизлик сабаб бўлди. Ўзаро ҳурмат ва меҳр етишмади. Характеримиз мос келмади, деган ваз билан бир гўдакни тирик етим қилди.

Худудимизда 3 та низоли оилалар бор. Анчадан буён ака-ука уй-жой талашиб мураса қила олмаяпти. Бошқасида аёл қайниси билан гап талашиб, келишмовчилик юзага келган. Яна биттасида онанинг ҳулқи



бузқулиги фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатган. Ўзи бўлса жиноий жавобгарликка тортилди. Шунинг учун болаларни отасининг қарамоғига ўтказиб бердик. Маҳалла ходимлари биргаликда ҳаракат қилиб, 11 та оила яраштириб қўйилди.

20 та эҳтиёжманд оилаларга 10 миллион сўмлик эҳсон пуллари тарқатилди. Шу билан бирга, уларга ўтган йили бир марталик ёрдам пуллари берилди. Азиза Кенжаева хонадонининг том қисми янгиланиб, 7 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Ваколатимиз доирасида аҳолини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, 2023 йилда 76 нафар фуқаро тавсия асосида кредит олди. Шулардан 3 та тикув цехи 15 кишини иш билан таъминлади. Ситора Расулова тадбиркорлигини ривожлантириш учун 33 миллион сўм кредит олди. Ҳозир унинг товуқ гўшти етиштириш бўйича даромади анча ортди.

Уйда тикувчилик қилаётган аёллар ёнига шогирдлар олиб, иш кўламини кенгайтирмоқда. Ҳамма олинган пуллардан унумли фойдаланиб, қарздорликни ўз вақтида ёпиб келяпти.

Ўтган йили 168 нафар ишсизлардан 102 нафарининг бандлиги таъминланди. 21 нафари субсидия асосида тикув машиналарига эга бўлди. 2 та иссиқхона ташкил этилди. Қолганлар кредит олиб, ўзини ўзи банд қилди.

Маҳалламиздан хорижга кетиб ишлаётганлар айтиш вақтида 87 нафарни ташкил этади. Кунлар исигач, бу рақам яна ортиши мумкин. Энг муҳими, уларнинг ҳаммаси яқинларининг ҳолидан хабар олишади, пул юбориб туришади.

Маҳалламизда 2023 йилда 3 та жиноят содир этилди. Йўл четида турган мактаб ўқувчиси қаршисидан келаётган юк машинасини кўриб тўхтади. Транспортнинг тезлиги юқори эмаслигидан югуриб ўтиб кетмоқчи бўлади. Лекин улгурмайди. Яхшиямки, ҳайдовчи секин келаётган экан, қиз унчалик кўп жароҳат олмади. Шифокорлар ёрдамида ҳаёти сақлаб қолинди.

Яна бир ҳолатда бошқа маҳаллада истиқомат қиладиган вояга етмаган шахс дўконнинг кулфини бузиб, пуллари уғирлайди. Учинчи жиноят иши бошқаларни ҳақорат қилганлик учун очилди.

Ичимлик сув муаммосидан азият чекапмиз. Худудимиз бешта қишлоқни қамраб олган. Уларнинг иккитасида ичимлик сув йўқ. Аҳоли бутун умр сувсизликдан қийналиб келмоқда. Кундалик эҳтиёжлар учун махсус транспортларда олиб келинади. Бу масала бўйича Халқ қабулхонаси, сектор ва туман ҳокимлигига бир неча марта мурожаат қилганмиз. 2024 йил дастурига киритилади дейишган. Умид боғлаб кутишдан ўзга иложимиз йўқ.

Оқова сувларни айтмаса ҳам бўлади. Деҳқонлар насослар ёрдамида қишлоқ этагидаги зовурдан сув ҳайдаб, фақат чорва моллари учун ем-ҳашак етиштиради. Бу сув ҳаммага етмайди. Яна шундай 3 та насосга эҳтиёжимиз бор. Аҳоли рўзғор учун зарур бўлган сабзавотларни фақат бозордан сотиб олишади. Ер бўлгани билан оби ҳаёт бўлмагач, экин битмайди-да.

Исмоил СУЛТОНОВ,
Шофиркон туманидаги
“Бобоато” маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА

“Бирорта муаммо ечимсиз қолмаяпти”

Президент ташаббуси билан Маҳаллалар уюшмаси ташкил этилиши чин маънода маҳаллани халқ ва давлат ўртасидаги узвий боғлиқлигини таъминловчи кўприкка айлантирди. Бу бизга катта ишонч ва масъулият юклайди. Тизимдаги бу ўзгариш орқали олдимизда турган кўплаб муаммоларга ечим топилди. Айниқса, маблағни ишлатиш маҳалланинг ўзига, “еттилик” ихтиёрига берилгани молиявий мустақиллигимизни таъминлади.



Ўтган йилги натижаларга кўра, намунали маҳаллалар қаторидан жой олди. Жумладан, эҳтиёжманд ва камбағал оилалар билан тизимли ишлаганимиз сабабли рўйхатдаги 5 нафар оила давлатнинг эътибор ва ғамхўрлигини ҳис этди. Барчасига моддий ёрдам кўрсатилди. Маҳмуда Расуловага ҳашар йўли билан уй қуриб берилди. Фуқаролар мурожаати билан ишлашдаги саъй-ҳаракатлар яхши самара берди. Йил давомида бирорта мурожаат ечимсиз қолмади.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш борасида 5 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратилди. Барчаси маблағдан мақсадли фойдаланиб, фаолиятини бошлади. 3 нафари кредит қарздорлигини

тўлаб бўлди. 10 нафар ишсиз аёлларни мономарказда ўқитиб, субсидия асосида тикув машинаси олиб бердик. Бу билан жами 40 та янги иш ўрни яратилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш йўналишида 6 нафар ишсиз рўйхатга олинган эди. Бугунга келиб уларнинг барчаси ишга жойланди. Маълумки, мигрантларни имкон даражасида шу ерда бандлигини таъминлаш, кетаётганларни касб-хунарга ўқитиш, тил ўргатиш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Худудимизда ўтган йили 65 нафар мигрант рўйхатга олинган эди. 7 нафари бугунги кунда оила бағрида иш ўрнига эга бўлди. 3 нафари чорва, яна шунчаси деҳқончилик, 1 нафари иссиқхона йўналишида имтиёзли

кредит олиб, ўзини ўзи банд қилди. Нуронийлар, дин уламолари, фаоллар билан ҳамкорликда оилавий ажралишларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар натижасида 2023 йилда 1 та ҳолат қайд этилди. Низоли ва нотинч оилалар яраштирилди. Жиноятчилик тўла тугатилди. Маҳалла “яшил” худуд тоифасига киритилди.

Ёшлар “Беш ташаббус олимпиадаси”да фаол иштирок этмоқда. Шу мавзудаги намунавий вилоят семинари маҳалламизда ўтказилди. Қизлар жамоаси волейбол, ўғил болалар жамоаси футбол мусобақасининг вилоят

босқичида ғолиб бўлди.

Маҳалламиз тумanning чекка ҳудудида жойлашган бўлиб, “драйвер”имиз – мева-сабзавот етиштириш ҳамда деҳқончилик. Хонадонларда 70 гектар томорқа ери бор. 40 та оила айнан томорқа ҳисобига ўзини ўзи банд қилган.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш доимийлик касб этган. Боиси худудимизда бўш ер майдони кўп. “Яшил макон” лойиҳаси бўйича 2023 йилнинг ўзида 2,5 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчати экилди.

«Маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла» ҳамкорлигининг асосий йўналишлари бўйича бирорта муаммо ечимсиз қолмаяпти. 1-сектор тасарруфида бўлганимиз учун

туман ҳокими кўмагида 7,5 км. кўча шағалланди, 4,5 км. узунликдаги йўл асфальтланди. 717 та хонадонга 7,5 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. Маҳаллий бюджет маблағи эвазига замонавий маҳалла биноси қуриб берилди. Бундан ташқари, 110 ўринли боғча қад ростлади. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига кишлоқ врачлик пунктини таъмирлаш таклифини бергандик. Энг кўп овоз тўплаб, ғолиб чиқдик.

Бир сўз билан айтганда, олис худудда жойлашган маҳалла инфратузилмаси шаҳар шароитидан қолишмайди даражада ижобийлик касб этди.

Орифжон ТЕМИРОВ,
Чортоқ туманидаги
“Арбағиш” маҳалласи раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

“Муносиб иш топа олсак, хориждан қайтарардик...”

Бугунги давр маҳалла раисидан ҳуқуқий билим, юксак маънавият, бир сўз билан айтганда, воқеалардан бир қадам олдинда юришни талаб қилмоқда. Худуд аҳолисининг муаммосига ечим топиш, кўмаклашиш учун, аввало, улар ўз вазифа ва ваколатини билиши муҳим. Иш фаолиятини мана шу талабдан келиб чиқиб, ташкил этганман.



Маҳаллада 862 та хонадон бўлиб, асосий “драйвер” – деҳқончилик. 2023 йил 14 та эҳтиёжманд ва камбағал оила рўйхатга олинган. Барчасига моддий ёрдам кўрсатилди. 10 нафари қарамоғида етим болалар тарбиялаётган ва боқувчисини йўқотган оналар. Уй-жойга муҳтож Ҳамро Умрзоқовга ҳашар йўли билан уй қуриб берилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва кредит ажратиш борасида 25 нафар фуқаро аризаси асосида тавсиянома берилди. Аммо қанча ариза келиб тушгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасман. 2023 йилда 90 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган. Барчаси ишга жойланди. 58 нафар мигрант бўлиб, ҳозирча уларни шу ерда ишлаши учун шароит яратиб бера олмаяпмиз. Чунки худудда йирик ишлаб чиқариш корхонаси йўқ. Ер берайлик, десак, аҳоли зич яшайди. Хорижда ишлама, дейиш учун шунга мос

иш таклиф қила олмаяпмиз.

Маҳаллада оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича нуронийлар, отинойи ва фаоллар кўмагидан самарали фойдаланяпмиз. Бунинг натижасида 2023 йилда 2 та ажралиш қайд этилди. Низоли оилалар билан ишлашда жамоатчилик назорати ўрнатганмиз. Кўни-кўшни, қариндошлар ўртасидаги жанжаллар сони камайиб бормоқда. 2022 йилда 9 та нотинч оила рўйхатга олинган бўлса, 2023 йилда 6 тага қисқарди. Жиноятчилик 2022 йилга нисбатан 2023 йилда 2 тага ортди. Жиноятлар асосан майда безорилик бўлгани учун ҳар икки йилда ҳам “сарик” тоифадаги худуд таркибига киритилдик. Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган маҳалладошлар билан тизимли иш ташкил этганмиз. Даврон Умрзоқов 2022 йилда озодликка чиққан. Уни одатий ҳаётга киришиб кетиши, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашдик.

Ҳозир пахтани қайта ишловчи кластерда банд.

Аҳолини спорт билан мунтазам шуғулланиши учун спорт майдони етишмайди. Худудда 4 та мактаб бўлса, атига биттасида спорт майдони бор, холос. 2 та майдон яроқсиз аҳволда. Шундай бўлса-да, “Беш ташаббус олимпиадаси”да маҳалла футбол жамоаси республика босқичида фаол иштирок этди.

Муаммолар сектор раҳбари кўмагида ҳал этиб борилмоқда. Ўтган йили 3 та кўчанинг 1,5 км. қисми шағалланди. Бодомсой кўчасига 6 та таянч устун ўрнатилди. Гулчечак кўчасига ҳашар йўли билан кўприк қурилди. Орзу кўчасининг 1 км. қисми асфальтланди. Маҳалла марказида 300 метрлик пиёдалар йўлаги битиш арафасида. 4 та сув минораси янги насос билан таъминланди.

Зафар МАҲМУДОВ,
Сайхунобод туманидаги
“Нуробод” маҳалласи раиси.

ХОЛАТ

“Кўп қаватли уйларга эҳтиёж катта...”



Бугун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни асраб-авайлаш долзарб муаммога айланиб улгурди. Соф ҳаводан нафас олиш, мусавфо осмонга қараб завқланиш учун ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшадиган вақт келди.

Шу мақсадда амалга оширилган “Яшил макон” лойиҳаси бўйича 2023 йилда 744 туп дарахт кўчати ўтқаздик. Агар хонадонларни ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, бу кўрсаткич

2000 тупни ташкил этади. Тўғри, бу жуда кам. Сабаби, маҳалламизда бўш ернинг ўзи йўқ. 6 мингдан зиёд аҳоли 210 гектар ҳудудда зич жойлашган. Ҳаттоки, бир хонадонда 4-5 тадан оила

истикомат қилишади. Шунинг учун ёш оилаларга кўп қаватли уйлар қуриб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Одамлар билан ишлаш жараёнида бир нарса кўнглимни кўтаради. Гарчи аҳоли шунчалик зич жойлашса-да, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат ғоят қадрли. 2023 йилда жиноятдан ҳоли ҳудуд бўлдик. Низоли ва жанжал-

ли оилалар умуман йўқ. Ҳамма бир-бирига ёрдам беришга ҳаракат қилади. Айниқса, 5 нафар тadbirkor мунтазам равишда 23 та эҳтиёжманд хонадондан хабар олиб туради. Йилда 3-4 мартаба керакли озиқ-овқат маҳсулотларини олиб беришади.

Тиловатхон Маҳмадованинг турмуш ўртоғи хорижда вафот этган. Ўзи икки фарзанди билан хароба уйда яшаб келарди. Катта ўғли 22 ёшда, руҳий носоғлом. Кичиги энди 5-синфда ўқийди. Маҳалла кўмаги билан 2 хонали уй қуриб берилди. Умумий ҳисобда 33 миллион сўм маблағ сарфланди. Жаннат Эргашева ҳам икки фарзанди билан анча қийналиб рўзғор тебратмоқда. Турмуш ўртоғи оғир хасталикка чалинган. Ижара уйда яшашиди. Шунинг учун 18 ёшгача нафақа пулини узмай бериб борамиз. 5-6 марта озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминладик. Эрининг дори-дармонларига моддий кўмак бериб келяпмиз.

2023 йилда 32 нафар фуқаро тавсия асосида кредит олди. Уларнинг 24 нафари мотокультиватор, тикув машинаси каби техникалар харид қилиб янги иш бошлади. Қолганлари бизнесини янада ривожлантириш ҳаракатида. Tadbirkorлар сабаб маҳалладаги 87 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Қолаверса, 82 нафар ишсизнинг бандлиги тўлиқ таъминланди. Йил бошидан буён яна 15 кишини “Surxon sifat textil” чигитга ишлов бериш корхонасига ишга жойлаштирдик. Бундан ташқари, 62 нафар мигрант юртимизга бутунлай қайтиб келди. Ҳаммасининг

кўлида ҳунари бор, уста ишбилармон йигитлар. Кимдир ёғоч, яна бошқаси бетон ишларини маромига етказиб бажаради. Шунинг учун арзимаган маошга ишлагандан кўра, хонадонларда “ишбай” даромад топишни маъқул кўришади.

Шу кунларда хотин-қизлар фаоли билан бир оилани яшаштириш устида иш олиб боряпмиз. Улар 5 нафар фарзанд билан тинч ва хотиржам ҳаёт кечириётганди. Ҳамма машава 2022 йил май ойида хонадон бекасининг ишга киришидан бошланди. Ақли калталиқ қилиб, эрига хиёнат қилади. Бу гап-сўз тезда бутун маҳаллага тарқалди. Аёл ҳеч тап тортмай, қилган ишини бўйнига олди. Ўртадаги норасида гўдаклар учун эркак ҳаммасини кечирди. Лекин аёл ажралишни афзал кўряпти. Бир неча марта фаоллар билан ота уйда олиб келдик. Йўқ, яна икки-уч кунда қайтиб кетаверади. Ўзи билан 4-синфда ўқийдиган қизини олиб кетган. Қолган болалар отасининг қарамоғида. Эшитишимизча, ҳозир аёл бозорда савдо билан шуғулланаётган экан. Қизини бирга олиб кетиб, ўқишига шароит яратиб бермаётганимиш. Ота уни ҳам қайтариб олиш ниятида. 30 январга суд белгиланган. Нима бўлишини энди вақт кўрсатади. Мақсади-миз — кушнинг ҳам уяси бузилмасин.

Камолиддин СОИБОВ,
Денов туманидаги
“Боғи Эрам” маҳалласи
раиси.

МАНЗАРА

“Шароитимиз шаҳарникидан кам эмас”

Маҳалламиз вилоятнинг энг чекка ҳудуди, Қашқадарё вилояти билан чегарадош. Шундай бўлишига қарамай, шароитлар шаҳарникидан кам эмас. Электр энергияси таъминотида умуман узилишлар бўлмайди, газ ва ичимлик сувдан муаммо йўқ. Фақат меҳнат қилиб юртимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшсак бўлгани.

Шу мақсадда барча вазифаларни тизимли равишда амалга ошириб келяпмиз. Маҳалламизнинг 11 нафар нуронийдан иборат жамоатчилик назорати кенгаши тузилган. Улар ҳар бир ишда бизга маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб туришади. Амалга оширилаётган ишларни баҳолаб боради.

Ўтган йили 26 нафар имконияти чекланган ва 5 нафар боқувчисини йўқотган фуқароларнинг барчасига моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳомийлар озиқ-овқат маҳсулотлари улашди. 1-гурух ногирони бўлган Мунаввар Мустақимовага уйини таъмирлаши учун 10 миллион сўмлик эшик, дераза, шағал ва цемент каби қурилиш маҳсулотлари олиб берилди. Ногирон фарзанд парвар ишлаётган Мавлуда Холбўтаевага 9 миллион сўмдан ошиққа қурилиш хом-ашёлари олиб берган эдик, ҳозир таъмирлаш ишларини бошлаб юборишди.

3-сектор ташаббуси билан суяк емирилиши ташҳиси қўйилган Зарина Ҳамроеванинг операцияси учун 50 миллион сўм ёрдам кўрсатилди. Эндигина 23 ёшга кирган бу келин бир фар-

занднинг онаси. Олиб борилган муолажалардан кейин соғлиғи анча тикланди. Яқинлари жуда хурсанд.

2 та низоли оила билан ишладик ва ижобий натижага эришдик. Ҳар икки хонадонда эркаклар спиртли ичимлик ичиши ортидан нотинчлик юзага келаётган эди. Аслида фермерларнинг ерига тракторда ишлов бераётган бу кишилар ишдан кейин меҳмондорчиликни ҳаддан ошириб юбораётган экан. Гаплашиб, муаммони ҳал қилдик. Профилактика нозир назоратга олди.

Ҳудудимиздаги 6 минг гектарга яқин ер майдонида 59 нафар фермерлар пахта, ғалла, тарвуз, қовун каби экинлар етиштиради. Аҳолининг аксарияти шу ерда ишлаб, даромад топади. Ҳатто ҳар йили кўшни туманлардан 2000 дан ошиқ одамлар келиб, мавсумий ишлаб кетади.

2023 йилда хорижга ишлаш учун кетган 5 киши юртимизга бутунлай қайтиб келди. Ҳозир улар маҳалламизнинг ўзида яхшига даромад топяпти. Қолган 35 нафар мигрант йилда икки-уч



марта келиб, уйдагилардан хабар олиб кетишади.

Расман фаолият олиб бораётган томорқачилар сони 90 нафар. Улар ўзига берилган 30 ва 50 сотихли ерларда ғалла, пахта, қовун, тарвуз ва картошка каби экинлар экишади. Помидор ҳеч яхши бўлмасди, ўтган йили ишлов дуруст бўлди, анча баракали ҳосил берди.

Консервалаш учун мўлжал-

ланган бодринг нави етиштиришга қизиқиш баланд. Сентябрь ойининг охирида тайёр ҳосилни Бухоро ва Қашқадарёнинг бозорларига чиқарамиз.

Ўзим 2 сотихли томорқамга кўкат, саримсоқ ва пиёз экиб қўйганман. Баҳор келиши билан помидор ва бодринг уруғларини қадайдимиз. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Дарахт экишга иштиёқимиз баланд. 2023 йилда 3 780 туп манзарали кўчатлар ўтқазилди. Бу йил яна 7 000 туп мевали ниҳоллар экишни режа қилганмиз. Иқлим шароитимизда гуҷум, тут, ўрик, олма, гилос ва шафтоли яхши ўсади.

Акбар РЎЗИЕВ,
Қоровулбозор туманидаги
“Жарқоқ” маҳалласи
раиси.



“Яроқсиз газ баллони ҳаётга хавф соляпти”

Маҳалла туман марказидан 22 километр олисида, Жиззах вилоятининг Бахмал тумани билан чегарадош. Аҳоли узок йиллар картошкачилик билан шуғулланарди. Бироқ капалак курти пайдо бўлгач, деҳқонлар ҳосил ололмай қолди. Икки йилдирки, деҳқонлар помидор ва пиёз экмоқда.

Даромад яхши, бир гектардан 70-80 тонна помидор териб олмақда. Асосий харидорлар Бухоро ва Навоий вилоятидан. Утган йили бир килограмм помидор даланинг бошида 2-3 минг сўмдан сотилди. Пиёзни кўчат шаклида экиш оммалашган. Ҳозир ҳар бир хонадон эгаси томорқасидаги иссиқхонада пиёз кўчати ўстирмоқда. Эрта баҳорда уни очик майдонга қадайдди. Деҳқонлар пиёздан гектарига 100 тоннагача ҳосил олмақда.

Аҳоли қўшимча равишда чорвачилик билан шуғулланмоқда. Деярли ҳар бир хонадонда катта-кичик чорва моллари ва товук боқилади. Гўшт ва тухумларни бозорга чиқарса, сутни маҳалланинг ўзидан олиб кетади. Бир кунда аҳоли хонадонларидан икки тонна сут йиғиб олинади. Бундан ташқари, гўшга ихтисослашган учта чорва фермер хўжалиги бор.

Маҳаллада қайта ишлаш учун маҳсулотлар етарли бўлса-да, бирорта ишлаб чиқариш корхонаси йўқ. Помидорни томат ёки шарбат, гўшт ва сутдан турли хил тайёр маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Бироқ ҳозирча шу ишга журъат қиладиган тадбиркор чиқмаяпти.

Аҳоли ўртасида ишсизлар кам. Аксарияти деҳқончилик ва чорвачилик ортидан яхши яшашапти. Утган йили кредит олишга тавсия этилган фуқароларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган кичик техникалар, электр “муравей”лар, жўжа очириш учун инкубатор ва чорва моллари харид қилди. Айрим ёш йигитлар Тошкент шаҳри, вилоят ва тумандаги қурилиш ишларида банд.

Утган йили 120 ўринли боғча қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шўрбўдана қишлоғига битта трансформатор ўрнатилиб, 8 километр эски асфальт кўчалари таъмирланди. Оқтош қишлоғининг 2,6 километр йўли бетон қилинди. Ҳашар орқали 8 километр ички йўллар шағаллаштирилди.

Маҳалланинг Шўрбўдана, Оқтош ва

Мўминобод қишлоқлари аҳолиси учта артезиан қудуғи орқали ичимлик сув билан таъминланган. Фақат Оқтош ва Мўминобод қишлоқлари ўртасида янги ташкил этилган саксондан зиёд хўжаликда сув йўқ. Шўрбўдана қишлоғининг ички йўлларида муаммо бор, 14 та кўчанинг 3,5 километрини асфальтлаш зарур. Ҳозирга қадар маҳаллага ажратилган 480 та бетон устундан 120 таси ўрнатилди, холос.

Аҳолига газ баллонлари вақтида келмаяпти. Мана, 60 кундирки, газ баллони йўқ. 15 та хўжаликка газ баллон етишмаяпти. Хавотирлиси, ҳар сафар аҳолига тарқатилган газ баллонларнинг 10-15 таси яроқсиз чиқяпти. Бундай эҳтиётсизликлар оқибатида фуқаролар ис газидан заҳарланиши, портлаш ёки ёнғин келиб чиқиши мумкин. Бу муаммони масъулларга бир неча бор айтдик, лекин ижобий ечим бўлмапти.

Яна бир муаммо, жиноятчилик. Худудда эмас, пойтахтда кучли таъсир қилувчи дорилар савдоси билан шуғулланиб, қўлга олинган маҳалла фуқаролари бор. Уларнинг тўрт нафари жазо муддатини ўтаб чикди, 14 нафари қамоқхонада. Ҳозирча тўрттасидан иккитаси иш билан таъминланди.

Оилавий ажралишларнинг бош сабабчиси, ёш оила бошлиқларнинг четга ишга кетишидир. Бунинг оқибатида тўртта оила ажралишга мажбур бўлди. Олтитаси яраштирилди.

Таклиф, маҳалладаги иккита мактабга қўшимча бино керак. Ўқувчилар икки сменада ўқишади. Президент ташаббуси билан бошланғич синф ўқувчиларига бепул овқат берилиши белгиланган, бироқ бунинг учун мактабларда зарур шароит йўқ. Маҳалла биноси эски, “еттилик” учун муносиб шароит яратилиши зарур.

Шамсиддин АШУРОВ,
Булунғур туманидаги
“Оқтош” маҳалласи раиси

НУҚТАИ НАЗАР

“Ғовук” сайёҳларнинг сеvimли масканига айланади

Маҳалла “драйвери” – анорчилик ва хунармандчилик. “Ғовук” маҳалласининг ўзига хослиги шундаки, ушбу ҳудуддаги барча хонадонларда анор ва ўнга яқин бошқа турдаги мевали боғлар мавжуд. Ҳар бир хонадон эгаси томорқасидан уч тоннадан беш тоннагача ҳосил оляпти. Бу йил даромад яхши, анорнинг бир килоси 35-40 минг сўмгача сотилмоқда.



Худудда анорчилик билан бирга, хунармандчилик кенг ривожланган. Ҳар бир оила вакили уста-хунарманд. Асосан, ёғоч ва темирдан эшик-ромлар ясайди. Ҳатто мактаб ўқувчилари дарсдан сўнг отаси ёки акасига ёрдам бериб, шу касбни ўрганмоқда.

Вилоятда туризм салоҳиятини янада ошириш, этно, агро туризм йўналишларини ривожлантириш мақсадида маҳаллаларга туризм мақоми берилмоқда. “Ғовук” маҳалласи шулардан бири. Йиғинда оилавий меҳмон уйлари, хунармандчилик устахоналари (ёғоч ўймакорлик, қулоччилик, заргарлик), умумий овқатланиш ва санитария-гигиеник шохобчалари, дегустация маркази, ўнга яқин туризм хизматлари ва бошқа зарур туризм инфратузилма объектлари ташкил этилиши белгиланган. Аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот ва тавсиялар натижасида иккита меҳмон уйи фаолият юритмоқда.

Жумладан, Саховат кўчасидаги 23-уйда жойлашган “Хива-Бек” оилавий меҳмон уйи бир вақтнинг ўзида 10 нафар сайёҳни қабул қила олади. Миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган шинам меҳмон уйи барча қулайликларга эга. Бу ерда сайёҳларга миллий таомлар тайёрланиши бўйича маҳорат дарслари, хонадоннинг боғида етиштириладиган 10 хил турдаги мевалардан ичимликлар тайёрлаш каби бешдан ортиқ қўшимча хизматлар йўлга қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги “2022–2026 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, “Ғовук” маҳалласида туризм инфратузилмасини яхшилаш

орқали туризм соҳасида 85 та янги иш ўрни ташкил этилиши белгиланган. Шунингдек, 6 километр кабельлинияси ва 10 километр оптик толали интернет тармоғи ўтказилади. 312 та симёғоч ва тунги ёритиш чироклар, 5 та трансформатор ўрнатилади. 2 километр йўл асфальтланиб, “Ғовук” каналининг 3 километр қисми бетонлаштирилади. 3 та кўприк таъмирланади.

Шу кунга қадар, барча кўчалар шағаллаштирилиб, 3 километр қисми асфальтланди. “Обод маҳалла” дастури доирасида аҳоли хонадонларига ичимлик сув тармоғи тортилиб, фойдаланишга топширилди.

Худудда оқова сув яхши, қўшимча ҳар бир хонадонда артезиан қудуқлари мавжуд. Шу боис маҳаллада анор билан бирга, анжир, ўрик, олма, терак, гужум, тол, арча дарахтлари яхши ривожланмоқда. Утган йили “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида берилган 1 800 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари аҳоли хонадонлари ва ариқ бўйларига экилди.

Масъул ташкилот вакиллари таъкидлашича, “Ғовук” ҳамда “Қалажик” туристик маҳаллалари аҳолиси учун туризм бизнеси, хизмат кўрсатиш ва сервис, экскурсия хизматларини ҳамда меҳмонхона хўжалиги бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, 12 тилда (рус, инглиз, француз, немис, араб, япон, хитой, ҳинд, испан, португал, корейс, малай) Хива ва Боғот туманлари туристик салоҳиятини акс эттирувчи арзон туристик пакетлар ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда.

Наримон АБДУШАРИПОВ,
Хива туманидаги
“Ғовук” маҳалласи раиси.

P/S: 2022 йил Хоразм вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси мутасаддилари туман ва шаҳарларда 14 та намунавий “Экология кўчаси” барпо этиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиққан. Унга кўра, туман ва шаҳарлардаги кўчаларга мевали дарахтларнинг маълум бир турдаги 5 мингдан ортиқ кўчати экилиши белгиланган. Ушбу рўйхатга “Ғовук” маҳалласининг Жасур кўчаси киритилган бўлиб, унга 400 туп анор экилиши керак эди. Бироқ маҳалла раисининг маълум қилишича, бу иш амалга оширилмаган.

НУҚТАИ НАЗАР

“Бугуннинг аёлини сериаллар бузди...”

Айрим аёлларда “умримни болага қараш, эрга овқат тайёрлаш, кийим-кечак ювиш билан ўтказаманми” деган фикр уйғонмоқда

Ўтган йили сектор раҳбарига 8 та маҳалла ҳаётига доир масала билан мурожаат қилдик. Яхшики, уларнинг аксарияти, жумладан, ички кўчаларнинг 1,5 километрини шағаллаш, 5 та кўчани тунги ёриткичлар билан таъминлаш каби ишлар ижобий ҳал бўлди.



Ўтган йили таклифи берилган, бироқ жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган масалалар бор. Хусусан, ички йўлларнинг 2 километрга яқин қисмини асфальт қилиш лозим. Яна иккита кўчага ичимлик сув қувури тортиш, 6 та икки қаватли уйларнинг ташқи кўриниш ва ички йўлакларини пардозлашга зарурат бор. Маҳалла идораси йўқ, ҳозирда кўчани маҳалланинг бир хонасида ишлаяпмиз. Давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркор бириктирилган, жорий йил сентябрга қадар янги идора биносини қуриб беришни ваъда қилган.

Шаҳар худуди бўлгани учун бўш ер майдони йўқ ҳисоби. Шундай бўлса-да, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтган йиллар давомида 6

мингдан зиёд кўчат экдик. Афсуски, сувсизлик сабаб уларнинг 20-30 фоизи қуриб қолди. Аҳоли хонадонлари, кўча ва ариқ бўйларига экилган ниҳоллар баравж ривожланипти. Ўтган куз мавсумида ҳар бир кўчатга масъул шахслар бириктирилди.

2023 йилда оғир бўлмаган 4 та жиноят рўйхатга олинди. Улар фирибгарлик, гиёҳвандлик, ўғрилик билан боғлиқ. Жиноятчилик кўрсаткичи ўтган йилга қараганда, афсуски, 1 тага ошди. Профилактика инспектори билан қатъий назорат ўрнатдик. Шу билан бирга, нотинч оилалар рўйхатга олинмаган. Тўғри, оила бошлиғи ичкиликка берилган ҳолатлар учраб турди, бироқ улар билан жойида профилактик чоралар кўрдик, даволаниб чиқишини таъминладик.

Ажралишлар масаласи долзарблигини йўқотмаган. Ўтган йили 4 та оилани ажрашиш ёқасидан қайтардик. Афсуски, яна 2 та оила қанча уринмайлик, тушунтирмайлик, ажрашиб кетди. Оилавий келишмовчилик сабаб йиллар давомида эр-хотин ўртасига совуқчилик тушиб бўлган экан. 2022 йилда 6 та ажралиш юз берганини ҳисобга олсак, ўтган йили унинг камайишига эришдик. Истардикки, оилавий ажралиш қайд этилса, ҳар икки томонга қандайдир таъсир чоралари кўрилиши керак. Йўқса, шунчаки ажрашиб кетишлар сони камаймайди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда ажралиш ҳолатларига кўпинча аёллар сабабчи бўлиб қоляпти. Нега? Бугунги келинлар янги оиллага кўникиши қийин, эрига, катталарга бош эггиси келмайди. Айримлари ҳатто қайнона-қайнотани кўнгиллини олишни билмай-

ди. Арзимас баҳоналар билан ота уйига кетиб қолаверади. Афсуски, баъзи оналар қизи уйига қайтиб келса, “турмуш — мушт, унга бир-галикда чидаб яшаш керак, қийинчилик ҳамма оилада бўлади” дея насиҳат қилиш ўрнига, “куёвниқига қайта юбормайман” дейди. Демак, ҳаётга фақат қизларни эмас, уларга тарбия бераётган ота-оналарни ҳам тайёрлашимиз керак. Зеро, оналар қизига янги уйга борганда, нималарга эътиборли бўлиши, ким билан қандай муносабат ўрнатиши кераклигини ўргата олиши лозим.

Яна бир гап: бугун айрим аёлларда оиласини сақлаб қолиш ўрнига “ёлғиз яшаб кета оламан, алимент олиб, болаларни ўзим катта қиламан, эркин яшайман” деган қараш шаклланиб борапти. Эр бирор тайин жойда ишлаганга, алиментни ҳар ой тўлай олмаса, яна аёллар маҳалланинг, ҳокимликнинг эшигини қоқлади: “боқувчим йўқ, икки бола би-

лан оч қолдим, ёрдам беринг”. Ўйлаб қарасам, бугуннинг аёлини ижтимоий тармоқлар, турли савиясиз сериаллар бузди. Уларда эркинлик, ёлғизлик, яққа яшаш саҳналари эфирга олиб чиқилди, айрим аёлларда “умримни болага қараш, эрга овқат тайёрлаш, кийим-кечак ювиш билан ўтказаманми” деган фикр уйғонмоқда. Демак, сериалларнинг оилаларга салбий таъсири ўрганилиши, эфирга беришдан олдин тизимли равишда мутахассислар кўригидан ўтказилиши керак.

Тизимга оид фикрларни баён этсам, бизга қоғоз иши билан шуғулланувчи, жадвалларни тўлдирувчи, борди-келдини назорат қилувчи ходим керак. Очиғи, кўп вақтимиз ҳужжат ишларига кетиб қоляпти. Маҳаллага солиқчи бириктирилгани яхши бўлди. Шу вақтгача ҳам ўзаро келишув асосида солиқ йиғишда кўмаклашардик. Бироқ бу ҳаракат ишимизга, фаолиятимизга таъсир ўрсатарди. Эндиликда маҳаллада бу иш билан алоҳида битта ходимнинг шуғулланиши бизга қулайлик яратади, албатта.

Умуман олганда, ишимиздан нолимаймиз, аксинча, фахрланаман. Ҳар куни одамлар орасидамиз, кимгадир кўмак берсак, кимнингдир қорига ярасак, бунинг ортидан “раҳмат” эшитсак, барча чарчоқлар чиқиб кетади. Бизга ишонч билдирганларнинг ишончини оқлаш, ишончга муносиб бўлиш, масъулият билан шу халққа хизмат қилиш — асосий бурчимиздир.

Оразхон САЙМАНОВА,
Тахياتош туманидаги
“Обод макон” маҳалласи раиси.



СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

Оила аёл сабри сабаб мустаҳкамдир

Ғофур Ғулум номидаги маҳаллада Яраштирув комиссияси аъзоси бўлганим учун низоли оилалар билан кўп ишлайман. Келишмовчиликларнинг асосий сабаби — ёшларнинг оила илмидан йироқлиги, муомала маданияти ва ўзаро ҳурматнинг йўқлиги, ғазабга эрк бериши, турли ҳою ҳавасларга ўчлиги, фарзандлар тарбиясига бефарқлигидир. Мавжуд муаммоларни имкон қадар ҳал этиб, кўплаб оилаларни ажралишдан сақлаб қолдик.

Кўрган, кузатган ва қўллаган тажрибала-римдан келиб чиқиб, ёш оила вакилларига ўз тавсияларимни беришни лозим топдим.

Аввало, **оилада бағрикенг бўлинг.** Саломлашиш ва табассум қилиш оилангизга кичкина совға. Иккита нон кўтариб келсангиз, оилага қувонч киритасиз. Энг муҳими, меҳрли телефонга ёки бошқа нарсага эмас, оила аъзоларингизга қаратинг.

Иккинчиси, эр-хотин ўз ҳадди-чегарасини билсин.

Учинчиси, аччиқланганда тортишманг.

Тўртинчиси, сукут сақлашни билинг (тил инсонни кўп балоларга гирифтор қилиши мумкин).

Бешинчиси, ғазабингизни ютинг. Оилавий ҳаёт ҳурмати, баъзи ёқмаган нарсаларга чидашга одатланг.

Олтинчиси, талашиб-тортишиш, ўзидан ўзгаларга ўхшаб ҳаёт ўтказишни талаб қилиш, тирноқ остидан кир қидиришдан сақланг.

Еттинчиси, “эр оила бошлиғи”, деган қоида иккала тараф ҳам яхшилаб англаб етсин!

Саккизинчиси, оиладаги сирни кўчага олиб чиқишдан сақланг!

Тўққизинчиси, ота-онангиз ва атрофдагиларни оилангизга аралашувидан сақланг.

Дарҳақиқат, оила ва унга боғлиқ муаммолар жуда муҳим. Шунинг учун турли хил ўткинчи ҳою ҳаваслардан воз кечиб, оилангиз мустаҳкамлиги, бахтиёрлиги учун курашинг!

Барча маърифатли, маданиятли халқлар қатори бизда ҳам оилавий масалалар юқори одоб-ахлоқ даражасида ёритилган адабиётлар кўп. Ёшларимиз улардан фойдаланиб, илмларини оширсан, янада яхши бўлади. Бу фикрлар эътиқодимиз таълимотларидан, ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан фикрлардир.

Унутманг, уйлар аёллар сабри устига қурилади. Оила кичик Ватан, уни асранг!

Матлубахон НИФМАТУЛЛАЕВА,
Ангрэн шаҳридаги Ғофур Ғулум номидаги маҳалланинг
Яраштирув комиссияси аъзоси.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Рустам ЮСУПОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг
ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС: «Mahalla» nashriyot-matbaa uy) МЧЖ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоסי келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.
4 200 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-120
Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

